БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 24 ноябрь Шанба № 224 (13.660). Баҳоси 3 тийин.

•ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ•

Ўзбекистон ССЖ Президентининг журналистлар билан учрашуви

Тенглик асосида ишлайлик, аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлайлик

21 ноябрь куни Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов жумҳурият ва бутуниттифоқ оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашди. Учрашув Ўзбекистон раҳбариятининг бозор муносабатларига ўтиш даврида тутадиган йўлига бағишланди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, шундай деди: афсуски, янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш учун ажратилган энг яхши вақт бой берилди. Бу иш билан анча илгари шуғулланиш керак эди. ССЖИ Олий Кенгаши ҳам унга бўлган умидимизни оқламадилар. Олий Кенгашдагилар иккинчи даражали масалаларни, амалга ошмайдиган қонунларни қабул қилиш билан шуғулланиб, мамлакатимизда юзага келаётган вазиятда тўғри йўл танлай олмадилар. Ўзбекистон Иттифоқ шартномасини марказ таклиф этаётган шартлар асосида эмас, балки мустақил жумҳурият сифатида имзолашга тайёрдир. Ер ости бойликлари, табиий бойликлар, юзага келган имкониятлар фақат жумҳуриятга тегишли бўлиши керак. Ўзбекистон ССЖ эса мамлакатимизнинг бошқа минтақалари билан фақат тўла тенг ҳуқуқлилик асосидагина ўз муносабатларини ўрнатади.

Ҳозирги мураккаб вазиятда йигирма миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистон жиддий ижтимоий силсилаларни сезмайдиган ҳаракат тактикасини ишлаб чиқиш зарурлигини ҳисобга олиш лозим, деб таъкидлади И. А. Каримов. Жумҳурият Президентининг айтишича, «бозорга ўтиш даврида камбағаллар янада қашшоқлашмасликлари керак». Бозор — бу бирданбир мақсад эмас, балки халқнинг фаровонлигини ошириш, ривожланиш истиқболларини очиш истаги ҳамдир. Бу энг асосий мақсад бўлиб, Ўзбекистон ССЖ раҳбариятининг фаолияти шу мақсадга қаратилган.

Ўзбекистон мустақиллик қоидаларига асосланиб, пахта толасига фақат ўзи учун мақбул бўлган давлат буюртмасини қабул қилади. Бу йилги ҳосилнинг катта қисми жумҳуриятда қолади. Ана шу қимматбаҳо хом ашёни бутуниттифоқ бозорида ва хорижий бозорда қандай нархларда сотиш кераклигини фақат унинг ўзи ҳал қилади.

Президент юзага келаётган нуфус вазиятига тўхталиб, мазкур масалада ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлаганини таъкидлади. Жумладан, сўнгги тадқиқотлар жумҳуриятда 560 мингга яқин киши доимий ишга эга эмаслигини кўрсатди. Булар асосан тўрт нафардан кўп фарзандлари бўлган аёллардир. Маълумки, яқин-яқингача бу рақамлар анчагина юқори эди. Якка тартибда уй қурувчиларга 160 минг гектар ер берилиши натижасида муаммонинг ўткирлиги анча пасайди. Яқиндагина ишсиз бўлган кишилар уйлар қуриш, тақчил бинокорлик материалларини ишлаб чиқиш билан шуғуллана бошладилар. Илгари бўш ётган ёки пахта экилган ерларда ҳозир полизчилик ташкил қилинмоқда, боғлар ва узумзорлар барпо этилмоқда. Бу яқин йиллар ичида ички бозор сабзавот ва мевалар билан етарли даражада таъминланишидан далолат беради.

Жумҳурият раҳбариятининг пахта якка ҳокимлигига барҳам бериш масаласида тутган қатъий йўли ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон ССЖда келаси йили пахта экиладиган майдонларни анча камайтириш, уларни илмий асосланган миқдорга етказиш мўлжалланмоқда. Масалан, 1991 йилда етиштириладиган хом ашё миқдорини 300 минг тонна камайтириш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон ССЖ Президенти бозорга ўтиш тўғрисида гапирар экан, Ўзбекистон бюджетининг вужудга келаётган бир неча миллиард сўм миқдоридаги камомади — бутун халқ хўжалиги комплекси ёмон ишлаётганлигининг натижаси эмаслигини, балки ишлаб чиқарилган маҳсулотга нотўғри, паст ҳақ тўлаш эканлигини уқтирди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти марказий идораларнинг бутуниттифоқ валюта қўмитасини тузиш тўғрисидаги қарорига салбий муносабат билдирди. У бу билан марказ валютани аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай тақсимлаш ниятида эканлигини айтди. Ҳар бир жумҳурият, деди И. А. Каримов, ўзи ишлаб топган маблағларни қаерга ва нимага сарфлаш ҳуқуқига эга.

Журналистларни минтақа бозорини ташкил этиш масалалари қизиқтирди, шу маънода қандай истиқболлар бор? Ўзбекистон ССЖ Президентининг сўзларига қараганда, бу муаммолар жумҳуриятлар раҳбарларининг яқинда Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида муҳокама қилинган. Энг яқин қўшнилар билан фаол ҳамкорлик қилиш иқтисодий жиҳатдан фойдали эканлиги тушунарлидир. У Қозоғистондан етказиб берилиши мумкин бўлган ғаллани ёрқин мисол сифатида келтирди. Лекин барча уринишларга қарамай, жумҳуриятимизга ғалла мамлакатимизнинг бешта узоқ минтақасидан келтирилмоқда.

Учрашувга келган кишиларнинг кўпчилигини: Ўзбекистон ССЖ Вазирлар кенгашини тарқатиб юбориш, уни Президент ҳузуридаги вазирлар маҳкамасига айлантириш нима беради, деган савол қизиқтирарди.

И. А. Каримов бунда ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқлигини қайд этди. Ижрочи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг вазифаларини аниқ чегаралаш аҳволни барқарорлаштиришнинг гаровидир. Афсуски, деб таъкидлади у. Марказда шу вақтгача бундай ҳол рўй бермади.

Табиийки, йиғилганларнинг кўпчилигини Ўзбекистон раҳбариятининг нарх-наво оширилганлиги ҳақида яқинда эълон қилинган қарорга нисбатан муносабати қизиқтирарди. И. А. Каримов бу масалага салбий муносабат билдирди. У фақат Ўзбекистон ССЖ раҳбарияти янги нархларни белгилаш ҳуқуқига эга эканлигини таъкидлади. Бозорга ўтиш шароитида нархлар ўзгариб туриши тушунарлидир, лекин гилам, мебель сингари молларнинг нархи, афтидан ўзгармаса керак. Боз устига, келин-куёвлар бир қанча молларни олишда имтиёзга эга бўладилар.

Журналистлар билан учрашувда Ўзбекистон ССЖ Президентига экологик аҳвол тўғрисида, сувдан фойдаланишни яхшилаш юзасидан раҳбарият кўраётган тадбирлар, уюшган жиноятчиликка ва чайқовчиликка қарши кураш тўғрисида ҳам саволлар берилди.

(ЎзТАГ).

Съездолди мусоҳабаси

Комсомолнинг келгусида ўз обрўсини тиклай олиш ёки олмаслиги кўп жиҳатдан унда мафкура ишларининг қандай бўлиши ва қай йўсинда олиб борилишига боғлиқ. Жумҳурият комсомоли ҳаётида, балки бутун тарихида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолажак Ўзбекистон ЛКЁИсининг XXIV съезди арафасида Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг котиби Абдурашид Самадович ҚОДИРОВ билан шу хусусда мусоҳаба қурдик.



МУСТАҚИЛЛИК — МУҚАДДАС ҒОЯ

— Абдурашид Самадович, мана қарийб тўрт йилдирки, Сиз жумҳурият комсомолида мафкура ишларига раҳбарлик қиласиз. Айтингчи, ана шу йиллар давомида шахсан Сиз бу ишдан ўзингизда тўла қониқиш ҳосил қилдингизми!

— Фаолиятимни шартли равишда уч қисмга бўлган бўлардим. Биринчи босқичда илгаригидай, анъанавий усулда зўр бериб ёшлар орасида коммунистик ғояларни тарғиб қилмоқчи бўлдик. Афсуски ҳаёт бизга аччиқ ҳақиқатни, яъни янглишаётганимизни кўрсатди: мафкура иши реал ҳаётдан узилиб қолса қанчалик куч-ғайрат, жонбозлик билан ишламанг унинг таъсирчанлиги, демакки самарадорлиги бўлмайди. Шу боис орадан қарийб бир ярим йил ўтгач ишда янги йўналишларни излашга киришдик. Ва ниҳоят биз реал ҳаётдан ажралиб қолган ғояни ташвиқот қилиш, аллақандай тимсолларга ёшларни зўрма-зўраки ишонтиришга интилиш бу умуман, нотўғри, нафақат нотўғри, ҳаттоки зарарли, ҳаётимизга, турмуш тарзимизга зид, фаолиятимизни қуруқ сафсатабозликка айлантириб қўйиш бўлади, деган хулосага келдик.

Изланишлардан сўнг мафкуравий ишнинг мазмунини қуйидагича белгилайдиган бўлдик: умуминсоний қадриятларга, ўзимизнинг миллийлигимизга асосланиб халқимизнинг урф-одатлари, анъаналарини тиклаш, туғилиб ўсган она юртимиз — Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг миллий тарихини, маданиятини тиклаш, ёшларнинг диққат-эътиборини ана шу муаммоларга жалб этиш. Бутун куч-ғайратимизни жумҳуриятимиз ҳудудида яшовчи барча халқлар, элатлар ва миллатлар маънавиятини тиклашга халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш учун шароит яратишни лозим, деб билдик.

Вақт, давр танлаган йўлимизнинг асосан тўғри эканлигини тасдиқлади. Кейинги икки йилда ёшларнинг миллий тарихимиз ва маданиятимизга бўлган қизиқишлари кескин ошди. Кун тартибига миллий ўз-ўзини англаш деган тушунча кирди. Шунинг учун жойлардаги комсомол ташкилотларининг, ёшлар гуруҳларининг бу борадаги ташаббусларини қўллаб-қувватладик. Комсомол қўмиталари халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналарини қайта тиклаш йўлида қатор тадбирлар ўтказишди. Жумладан комсомол Марказқўми катта тантана, шоду-хуррамлик билан ўтган ва меҳнаткашларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашига сазовор бўлган миллий байрамимиз «Наврўз»нинг ташкилотчиларидан бири бўлди.

Аммо бу ишларни биз баъзи бировлар айтганидек кимларгадир ёқиш учун эмас балки тўғри маънодаги миллийликни, инсоний фазилатларни тиклаш, қайтадан шакллантириш учун амалга оширдик. Зеро, ўз ватани, халқи тарихи, маданиятига беписандлик; ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги камчилик ва нуқсонларга нисбатан лоқайдлик; жамиятга, кексаларга, шу жумладан аёлларга ҳурматсизлик, жиноятчилик каби иллатлар илдизлари ўзлигингни унутишдадир.

Тарихимизни фақат VII асрдан, араблар Ўрта Осиёни забт этиб Ислом динини қарор топтирган пайтдан бошлаб эмас, балки ундан анча олдинги асрлардан бошлаб билишимиз лозим. Чунки ўша даврда яшаган аждодларимиз шу қадар қудратли, маданияти юксак тараққий этган давлатларни барпо этгандиларки, улар билан Византия, Хитой, Эрон давлатлари ҳамкорлик қилишга интилган. Уларнинг тарихи ҳам бизнинг тарихимиз, ота-боболаримиз, бобо-ю бобокалонларимиз тарихи. Буни билиш, ўрганиш ҳар бир йигит-қизнинг фарзандлик бурчидир.

Тарих тўғрисида кўп гапириш мумкин. Афсуски ҳали у тўлиқ ўрганилмаган. Шунинг учун комсомол ташкилотлари ёшлар ўртасида, турли ёшлар уюшмаларида тарихни ўрганиш бўйича тўгараклар ташкил этдилар ва этмоқдалар. Келгусида мафкуранинг асосий вазифаси ва йўналиши ҳам ёшларда сиёсий маданиятни, баҳслашиш маданиятини, тарихга ҳурматни шакллантиришдан ва ўстиришдан иборат бўлмоғи лозим. Бунда албатта ижодкор ёшларнинг, зиёлиларнинг роли каттадир. Шу боисдан ҳам ўз фаолиятимизда уларга бўлган эътиборни кучайтирдик. Семинарлар ўтказдик ва ўтказаяпмиз, асарларини чоп эттирилишига, китобларини кассета усулида чиқаришга кўмаклашяпмиз. Усмон Носир номидаги мукофот таъсис этганимиз ҳам хайриҳоҳлик билан кутиб олинди.

Мафкура иши тўғрисида гапирганда ёшларнинг оммавий ахборот воситалари — рўзнома ва ойномалар, радио ва телевидениедаги «Ёшлик» студияларининг фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Зотан, ёшларнинг дунёқарашини ва жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги уларнинг аҳамияти каттадир. Жумладан Ўзбекистон ССЖнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг ҳозирги шаклда қабул қилинишида, қатор экологик муаммоларнинг кўтарилишида, жумҳуриятимизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги масалаларининг кенг ёритилишида, қишлоқ меҳнаткашлари турмушидаги қийинчиликларнинг ошкор бўлишида рўзномаларимизнинг хизмати беқиёсдир. Шуни ҳам айтишим мумкинки, таҳририятлар билан доимо бамаслаҳат иш олиб бордик. Баъзан ўртада юзага келадиган англашилмовчиликлар ҳам тез ва ҳар икки томоннинг розилиги билан ҳал этилган. Ҳозирги кунда ёшлар матбуотининг нафақат йигит-қизлар, балки, бутун халқ орасида катта обрўга эга эканлиги ҳам маълум даражада ана шу ҳамжиҳатлигимиз самараси деб биламан. Биргина мисол: ёшларнинг истагини инобатга олиб «Сирли олам» ойномасини ташкил этгандик. Ҳозирги кунда унга обуна бўлганларнинг сони 100 мингдан ошиб кетди. Ваҳоланки уни 50 минг нусхада чоп этиш мўлжалланганди...

Ўз фаолиятимдан қониққан ёки қониқмаганлигимга келсак шундай жавоб беришим мумкин: қилган барча ишларимдан норозиман дейишим, ноинсофлик бўлади. Лекин тўла маънода розиман ҳам дея олмайман. Нималаргадир улгурдим, нималаргадир улгурмадим. Баъзан имконият, баъзан вақт, баъзан эса билимим етмади. Характеримда бўлган камчиликлар (уларни ўзим биламан) яна ҳам унумлироқ ишлашимга имкон бермади.

— Кейинги икки йил давомида комсомолнинг инқирозга юз тутганлиги тўғрисида тинмай гапирилмоқда. Шу боис сўрамоқчи эдим: сизнингча Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон комсомолидаги инқироз бир хил даражадами ёҳуд ҳали ҳам бизда аҳволни ўнглаш мумкинми ва бунинг учун нималар қилиш керак!

— БЛКЁИдаги инқирознинг асосий сабаби бошқа. Бу давлат тузуми инқирози билан тенг. Чунки у ўз доирасида барча комсомол ташкилотларини сўзсиз бўйсуниш принципи асосида бирлаштирганди: марказнинг гапи-гап, у тўғрими, нотўғрими барибир бажариш шарт эди. Жумҳуриятлар комсомол ташкилотлари Россиядаги оддий бир вилоят комсомол ташкилотига тенглаштирилганди. Оқибатда марказдаги комсомол раҳбарлари жойлардаги вазиятдан мутлақо бехабар эдилар. Шунинг учун ҳам БЛКЁИнинг XX ва айниқса XXI съездида БЛКЁИни мустақил жумҳуриятлар комсомол ташкилотлари уюшмасига айлантириш борасида қизғин мунозаралар борди ва шундай бўлди ҳам. Бироқ даврнинг ўзи кўрсатяпти БЛКЁИнинг ҳозирги тузилиши ҳам жумҳурият комсомол ташкилотини қониқтирмайди. Марказда қабул қилинаётган қарорларнинг аксарияти бизга маъқул эмас ва баъзан бизнинг ҳаракатларимизга зид ҳамдир. Фикримча БЛКЁИ конфедератив асосда тузилиши керак. Унда жумҳуриятлар комсомол ташкилотлари нафақат марказ билан, шу билан бирга ўзаро шартномалар ҳам тузишлари мумкин.

Ўзбекистон ЛКЁИдаги вазиятга келсак шуни айтиш керакки бу ерда бутун комсомол эмас, балки, комсомолдаги иш услуби инқирозга учраган. Биз илгари нима билан шуғулланар эдик? Ҳамма нарса билан, шу жумладан комсомолга мутлақо алоқаси йўқ ва керак бўлмаган масалалар билан ҳам. Айни пайтда бир қатор муҳим ишларимиз ва вазифаларимиз:

Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни;

Ёшларнинг ўз савияси ва маданиятини ошириш;

Ёшларнинг ўз фуқаролик бурчларини бажаришлари учун шароит яратишни унутгандик. Ўйлашимча айнан шу «учбурчак» ҳар бир ижтимоий-сиёсий ташкилот, шу жумладан комсомол ишининг мазмуни бўлиши лозим. Ўзингиз ўйлаб кўринг, агарда комсомол ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қила олмаса, уларга жамиятда ўз ўринларини топишга кўмаклашолмаса унинг нима кераги бор?

Агарда жумҳуриятимиз комсомоли инқирозга учради, дейдиган бўлсак, бунинг сабаблари шулардир. Комсомолни ёшларга зарур, уларнинг нафақат яхши, балки ёмон кунларида ҳам кунига ярайдиган ташкилотга айлантириш керак. Бунинг учун комсомол ташкилотлари мустақил овозга эга бўлишлари, иш олиб боришлари, ёшларни ҳар томонлама ҳимоя қила билишлари, турли даражадаги Шўроларда ўз вакилларига эга бўлишлари лозим. Лекин бу қийин вазифа...

— Комсомол тақдирининг оғир аҳволга тушиб қолишида мафкуранинг айби қанчалик деб ўйлайсиз!

— Саволингиз ниҳоятда мураккаб ва унга жавоб бериш ҳам мушкул. Аввалambор мафкуранинг ўзи нима? Мафкура бу ғоя. Ғояга қандай айб қўйиш мумкин? Жамият тараққиётида шундай қийин даврлар, вазиятлар ва чалкаш воқеалар бўладики, ана шундай пайтда айбни кимга қўйишни ҳам билмай қоласан: ғоягами ёки унинг ижрочиларига?

Тарихимиз шундан шоҳидлик берадики, ғоя асосчилари ёки дейлик кашфиётчиларининг айби йўқ. Аммо уни амалга оширган ижрочиларнинг нафақат айби, балки кечириб бўлмас гуноҳлари жуда кўп. Буни шахсга сиғиниш ва турғунлик даврларининг аччиқ сабоқлари ҳам исботлаб турибди. Демоқчиманки, нўноқ ва мақсади ғаразли бўлган ижрочиларнинг қўлида тўғри ва қизиқарли бўлган ҳар қандай ғоя ҳам беҳисоб фожиаларга сабаб бўлиши мумкин.

— Биз узоқ йиллар давомида байналмилал тарбия ва халқлар ҳамда миллатларнинг метиндек мустаҳкам дўстлиги тўғрисида кўп ва хўп гапирдик. Аммо Фарғона, Бўка, Паркент ва ниҳоят Ўш воқеалари бу соҳадаги ишларимиз таги пуч эканлигини кўрсатди. Сиз байналмилал тарбия (ёки дўстлик) деганда нимани тушунасиз ва келгусида миллатлараро низоларнинг келиб чиқмаслиги, чинакам дўстлик ва ўзаро ишончга эришиш учун нималар қилиш зарур деб ҳисоблайсиз!

— Илгари бизда байналмилал тарбия борасида чуқур таҳлил этувчи мантиқли бирор бир иш олиб борилмаган. Асосий иш услуби ҳар хил ҳафталик ва ўн кунликлар уюштириш, концертлар қўйишдан иборат эди. Албатта бу тадбирлар ҳам керак. Бироқ аввал уларни мазмун билан бойитиш лозим эди. Яқин-яқингача (ҳозир ҳам баъзан учраб турибди) рўзномалар байналмилал тарбия ёки дўстлик деса икки миллат вакилларининг турмуш қуришини ноғора қилиб чалишарди.

Аммо битта савол беришим мумкин: биз ўзимиз билан неча ўн йиллардан бери бирга яшаб, бир ҳаводан нафас олаётган корейс халқининг улуғ аждодларини биламизми? Қозоқ биродарларимизнингчи? Бу бир томондан. Иккинчи томондан: жумҳуриятимизда яшовчи бошқа миллат вакиллари ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, урф-одатлари ва анъаналарини яхши билишадими? Ва ниҳоят учинчидан: ўзбек ёшлари Ўзбекистон тарихини биладиларми? Таассуфки, бу саволларнинг ҳаммасига «йўқ» деган жавоб оласиз. Қачонки ижобий жавоб топа олсакгина биз байналмилал тарбия ҳақида гапиришимиз мумкин.

Лўнда қилиб айтганда байналмилал тарбия ўзга халқларнинг ҳам тарихи, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром туйғусини уйғотишдир.

Фарғона, Бўка, Паркент ва Ўш воқеаларига келсак фожиаларни фақат байналмилал тарбиядаги қусурлар билан изоҳлаб бўлмайди. Сабаблари маълум: ижтимоий муаммолар, халқнинг қашшоқлигидир. Воқеалар фожиавий тус олишига халқларимизнинг тинч-тотув яшаётганини ва тараққиёт йўлига тушиб олаётганини кўролмаётган жумҳуриятимиз ва унинг ташқарисидаги ёвуз кимсаларнинг хизмати эмасмикин?

— Ҳозирги ёшларда ватанпарварлик туйғуси, эътиқод йўқлиги тўғрисидаги фикр кенг тарқалган. Жумладан, ўзбек йигитларининг зобит бўлишга қизиқмасликлари ва интилмасликлари сир эмас. Бундай кайфиятга қандай қарайсиз!

— Менимча ёшларда ватанпарварлик туйғуси кучли. Фақат у қалбларнинг тубида ухлаб ётибди. Уни уйғотиш бизнинг вазифамиз. Ватанпарварлик дегани — фикримча халқ келажагига хизмат қилишдир. Келгуси йилдан мазкур муаммо янада мураккаблашади деб ўйлайман. Чунки янги иқтисодий шароитда ҳар бир кишининг ўз ташвиши биринчи ўринга чиқади. Умуман олганда бу тўғри. Негаки жамият келажаги жумҳуриятдаги миллионлаб оилаларнинг келажагидан иборат. Ёш оилада болага тўғри тарбия бериш, яхши ўқитиш, маҳаллада, умуман жамиятда яшовчиларга ҳурмат ва эҳтиром уйғотиш, жумҳурият халқларининг тарихи ва маданиятини ўргатиш, инсонпарвар қилиб ўстириш ҳам ватанпарварликдир. Ахир болалар келажак эгаларику!

Жумҳурият комсомол ташкилотининг биринчи навбатдаги ватанпарварлик бурчи эса Ўзбекистон тараққиётига катта ҳисса қўшадиган ёшларни тарбиялашдир. Биз жаҳон даражасидаги олимлар, айниқса иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, ишлаб чиқариш ташкилотчилари етишиб чиқиши учун барча шароитни яратмоғимиз даркор. Дастлабки қадамни ташладик ҳам: истеъдодли ёшларни танлаш ва тарбиялаш бўйича «Ниҳол» марказини тузганмиз. Маориф вазирлиги ва ФА билан ҳамкорликда «Истеъдод» ҳаракатномасини амалга оширишга киришганмиз. Физика, кимё, биология, риёзиёт фанлари бўйича олимпиадалар, космик техника ишқибозлари, компьютер мактаби йиғилишларини ўтказдик. «Союз» аэрокосмик жамиятининг жумҳурият бўлими очилди. «Улуғбек» жамоатчилик — давлат фонди тузилишида ҳам комсомолнинг ҳиссаси бор.

(Давоми 2-бетда).

Ошкоралик қўмитасининг мажлиси

22 ноябрь куни Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Ошкоралик қўмитасининг навбатдаги мажлиси ўтказилди. Мажлисда Ўзбекистон ССЖнинг «Оммавий ахборот воситалари ҳақида»ги Қонуни лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мажлис иштирокчилари ушбу Қонун лойиҳаси юзасидан тўпланган барча фикр-мулоҳазаларни кўриб чиқдилар ҳамда лойиҳани янада ҳар томонлама пишиқтириш лозимлигини таъкидладилар. Мазкур масала юзасидан тузилган ишчи комиссияси зиммасига Қонун лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Ошкоралик қўмитаси ҳузурида жамоат кенгашини ташкил этишга қарор қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. Иброҳимов қатнашди.

(ЎзТАГ).

ҲАМКОРЛИК ОРБИТАЛАРИ

22 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти билан Украина Совет Социалистик Жумҳурияти ҳукуматлари ўртасида 1991—1995 йилларда иқтисодий, савдо ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Битимни Ўзбекистон ССЖ вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов билан Украина ССЖ Вазирлар Кенгашининг Раиси В. П. Фокин имзоладилар.

Ушу ҳукуматлараро битим жумҳуриятларнинг мустақиллигига ва улар ўртасида юзага келган анъанавий иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларга асосланиб тузилганлиги таъкидланди. Томонлар, жумладан, 1991 йилда ўзаро маҳсулот етказиб беришни 1990 йилда белгиланган даражадан кам бўлмаслиги, бундан кейин уларнинг ҳажмини ўзаро мақбул асосда бараварлаштириш юзасидан тадбирлар кўриш хусусида келишиб олдилар.

Шу сонга хабар

Ғаразли мақсадни кўзлаб

Москва шаҳар суди ССЖИ фуқароси Анатолий Иванович Хобтанинг ишини кўриб бўлди. 1954 йилда туғилган, Гродно вилоятида яшайдиган фуқаро Хобта хорижий давлатга ССЖИга қарши душманлик руҳида иш юритишда ёрдам бериш ва ҳарбий сирни сотиш шаклида Ватанга хиёнат қилганликда айбланади.

ССЖИ Давлат хавфсизлиги қўмитасининг жамоатчилик билан алоқа қилувчи марказида ТАСС мухбирига хабар қилишларича, Хобта тергов ва суд мажлиси чоғида ўз айбини бўйнига олган ҳамда ғаразли мақсадда Ғарбдаги мамлакатлардан бирининг разведка вакилларига ахборот беришга уринганлигини айтди. Бу маълумотлар Хобта ССЖИ Қуролли Кучларида хизмат қилган даврида унга маълум бўлган эди, мазкур маълумотлар ҳарбий сир ҳисобланади.

Хобта суднинг қарори билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

02 хабар қилади

20 ноябрда юз берган ҳодисалар тўғрисидаги оператив маълумотномада шундай фактлар келтирилган. Тошкент шаҳрининг Қорасув даҳасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган В. Хачатряннинг хонадонидан пулемёт стволи, иккита жанговар радиостанция, аккумлятор батареяларини зарядлайдиган иккита қурилма, автоматнинг иккита найза-пичоғи тунда фойдаланиш учун мосланган иккита оптик мўлжаллагич, ниқобланиш либоси топилди ва тортиб олинди.

Тошкентдаги кооперативлардан бирининг раҳбари И. Бутернинг (бошланган терговга зарар келтирмаслик мақсадида барча номлар ўзгартирилди) уйидан эса иккита марголина тўппончаси, «Вальтер» ва Макаров тўппончалари ва уларнинг ўқдонлари топилди.


Журналистлар билан учрашув

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасида бўлиб ўтган матбуот конференциясида барча ёшлар матбуоти раҳбарлари, ойнаижаҳон, ҳаво мавжлари эшиттиришлари ёшлар таҳририятлари мухбирлари, шунингдек, бошқа оммавий-ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Унда суҳбат мавзуи яқин кунларда ўтадиган жумҳурият ёшларининг ижтимоий-сиёсий анжумани — Ўзбекистон комсомолининг XXIV съезди тўғрисида бўлди. Бўлғуси съездга тайёргарлик ва уни ўтказиш учун ташкилий тадбирлар қандай амалга оширилаяпти, ушбу анжуманда кўриладиган ҳужжатлар мазмуни ва аҳамияти хусусида йиғилганларга қисқача ахборот берилди.

—Бу съезд ёшлар ҳаётида муҳим ўзгаришлар ясайди, деб ўйлайман, — деди ЎзЛКЁИ МҚси котиби А. Қодиров конференцияни очаркан. — Бугунги кунда барча вилоят, ноҳияларда ўтказилаётган комсомоллар билан учрашувлар, пленумлар, матбуотимиз бошлаб берган съездолди мунозаралари комсомолнинг истиқболи ҳақида кўпчилик қайғураётганлиги очиқ-ойдин равшан бўлмоқда.

ЎзЛКЁИ Устави ва Ҳаракатномаси лойиҳалари юзасидан ЎзЛКЁИ МҚсининг иккинчи котиби И. Бибиков,



«Ўзбекистон ССЖ давлат ёшлар сиёсати қонуни» лойиҳаси тўғрисида ЎзССЖ Президенти кенгаши аъзоси, жумҳурият Ёшлар ташкилотлари қўмитаси раиси А. Саидов ўртоқлар журналистларга сўзлаб бердилар.

Журналистларнинг кўплаб саволларига ЎзЛКЁИ МҚси биринчи котиби А. Носиров, ЎзЛКЁИ котиби М. Раҳимбердиева, Ёшлар олий билимгоҳи ректори Р. Собиржонов ўртоқлар жавоб қайтардилар.

(Ўз мухбиримиз).

СУРАТДА: конференция қатнашчилари.

Е. БОТИРОВ сурати.

Ёшлар ва иқтисод

АЛЛАҚАЧОН ЎТГАНМИЗ-КУ

Биз қайта қуриш жамиятимиздаги тўпланиб қолган муаммоларни тезда ҳал қиламиз, деб ўйладик. Афсуски, ундоқ бўлмади. Сабаб? Сабаби шуки биз ҳали тўла маънода демократия ва ошкораликка эришмадик. Раҳбарларнинг оғзидан эса «Москва ҳам бирдан қурилган эмас» деган сўзни эшитиб тоқатинг тоқ бўлади. Ахир қайта қуриш бошланганига 5 йил тўлди-я. Бу даврда иқтисодимиз шундай боши берк кўчага кирдики, ундан чиқишнинг иложи йўқдек. Чорасиз дард бўлмас. Бироқ ташвишланмай бўларканми? Чунки эътиқодимиз пойдеворининг бўшлиги кейинги йилларда очиқ билиниб қолди. Ҳали-бери гапдан ишга ўта олмаслигимиз ҳам. Ойнаи жаҳон орқали бозор иқтисодиётига ўтиш, товарлар нархи ошиши айтилди. Шу кунларда маҳаллий Шўролар, умуман халқ нонблари фаол ҳаракат кўрсатиб, ижроқўм ходимлари озиқ-овқат дўконларидаги савдо жараёнларини назоратга олиб, аҳолининг барчасига маҳсулотларни тенг тақсимлашни йўлга қўйиши лозим эди. Афсус, озиқ-овқат дўконлари бир кунда шип-шийдам бўлди-қолди. Биров 10—15 қоп унни, бидонлаб ёғни ғамлаб олди, бошқаси бармоқларини сўриб ўтирибди.

Бир озиқ-овқат дўкони ўша шов-шувдан 3—4 кун олдин ревизия сабаб бекилган экан. Дўкон айвонидаги ун савдо ходимисиз бўлиб олиниб, ким қанча ун олганлиги ҳақидаги рўйхатни боровулга бериб кетишибди. Ҳайрон қоламиз, ёғ айнимас балким, лекин қоплаб унлар нима бўлади?

Узоқ ўн йиллар дўстлик, дўстлик деб келдик. Агар чиндан дўстлик бўлса бугунги каби миллий низолар чиқмайди. Энди билсакки, дўстликдан олдин тенглик бўлиши лозим экан. Қолаверса, иқтисодий тақсимланиш ва таъминланишда ҳар жиҳатдан орқадамиз. Ёзувчи, ССЖИ халқ нонби Одил Ёқубов ССЖИ халқ нонбларининг 1-съездида «Биз иттифоқ қозонига чўмичлаб қўйдик, қошиқлаб олмоқдамиз, бошқалар қошиқлаб қўйиб чўмичлаб олмоқдалар», деганида ҳақ эди.

Ер ости-усти бойликлари ҳақида гап кетса, уни давлат мулки деб, оғзимизга урмайди. Давлат ким, ҳисобчилар қаерда? Москвада. У кимга қанча беришини ўзи билади. Хоҳлаганча чўмичлаб, хоҳлаганча қошиқлаб. Агар Ўзбекистон мустақил давлат бўлганда, бу бойликларимиз ўзимизники бўлмасмиди? Айрим Ўзбекистонни менсимайдилар, ҳатто чиқиш бир жумҳурият деб билмайдилар. Ҳатто харитага номи эмас, номери сиғмайдиган давлатлар бор. Уларни ҳам ҳеч ким таҳқир қилмаяпти, БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси. Бизнинг айбимиз нима? ССЖИ таркибида эканлигимизми? Бирон бир нарсамизга ўзимиз баҳо қўя олмаймиз. Пилла ҳамма жумҳуриятларда деярли бир хил вақтда, бир муддатда (бирой) бойилади. Бир хил барг ейди. Лекин сотишга келганда, мисол учун Озарбайжон 31 сўм, Ўзбекистон 6—7 сўм! 70—80 килограмм пиллани етиштириш учун кетган меҳнатни кўз олдингизга келтиринг-а. Узоқ гап бўлди пилланинг харид нархи 1990 йилдан ошади деб. Амалда эса, Энди 1991 йилдан ошириш ваъда қилиняпти. Худо билади, бу қачон бўлади. Лекин биз пилланинг харид нархи ошади, деган иборага мутлақо қаршимиз. Пилланинг харид нархи ошмайди, балки бошқа жумҳуриятларга нисбатан қисман тенглаштирилади, холос. Лекин тенгсизлик мавжуд бўлгандан то ҳозиргача бўлган фарқни ким тўлайди?

Иқтисодий изчил сиёсат олиб борувчи давлат ҳам кучли, ҳам тўқ, ҳам келажаги фаровондир. Шундан келиб чиқиб, мактаб парталарига ўтирган ёшларга иқтисодий таълим асосларини мукаммал беришимиз керак. Биз иқтисодий тарбияни юзаки тушуниб, тарбиявий соатларда нонни, ғўзани, вақтни исроф қилманг, 1 метр ерда бир чигитдан пахта қолиб кетса, жумҳурият бўйича мана бунча бўлади, дейишни қойиллатиб келдик. Биз ҳеч нарсани амалда иқтисод қилишни ўргатмадик ва ўргатмадик ҳам. Қайтанга вақтни беҳуда ўтказдик, холос.

Бугун биз ўқувчига сийқаси чиққан иқтисодимизни шарҳлаш ва ўргатиш (айрим ижобий жиҳатларини ҳам) билан бир вақтда «Тўрт аждаҳо» номини олган Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва Тайвань иқтисодиётига, шунингдек ўтмишдаги миллий иқтисодимизни, юксак тараққий этган Темур ва Бобур даври иқтисодий таълим жараёнларини ўргатишимиз лозим.

Бугунги кунда маорифнинг, соғлиқни сақлаш соҳаларининг пуллик усулига ўтиш ҳақида гаплар эшитилмоқда. Биз бунга қарши эмасмиз. Айниқса, соғлиқни сақлаш соҳасида. Бу жараёнда пуллик усул амалга ошса, одамлар ўз саломатликларини ўйлайдилар, спорт билан шуғулланардилар, меҳнатда мароқ бўларди. Тиббиёт илмига қизиқиш ошар ва халқ табобати яхшиланарди. Чаласавод тиббиёт ходимлари бўлмасди. Лекин маорифчи? Мантиқсиз, чалкаш, зерикарли программалар бор экан мактаб пуллик бўлса-да натижаси бўлмайди. Карраси билмаган ўқувчига синус, косинусни, илдиз чиқаришни тушунтириш, ўз тарихини, ўтмишини, келиб чиқишини билмаган ўқувчиларга аллакимларнинг мадҳиятини ўргатиш. 30—40 йилдан бери 5—10 нафар шоир-ёзувчини топиб олиб, фақат шуларнинг ҳаётини, асарларини ўргатаверар эканмиз, манзил биздан йироқлашаверади. Биз фанларни, уларга ажратилган соатларни кескин камайтирмас эканмиз, ҳар куни 6—7 соатлаб дарс ўтаверар эканмиз, ўқитувчи ўзини, ўқувчини ҳам ўтмас пичоқда азоблайверади. Ҳафтасига беш кун ва ҳар кунни беш соатдан ошмаган ҳолда программасига тиқишимиз керак.

Шу йил март ойининг охирида ЎзССЖ халқ нонби П. Қамбаров билан учрашув ташкил қилдик. Дирекция билан келишиб юқори синфларнинг 5-, 6-соат дарслари ўрнида. Сўнг буни ўқувчиларга синфма-синф кириб айтдик. Ўқувчилар хурсандчиликдан қарсак чалиб юборишди. Мен «депутат билан учрашувга шу қадар иштиёқ каттами?», деб сўрадим. Ўқувчилар эса 5-, 6-соатдаги дарслардан кутилганларидан хурсанд бўлган эканлар. Бироқ депутат билан учрашув жуда ҳам яхши ўтди.

Ўйлаб қоласан. Яхши яшаш учун яхши ишлаш керак. Нима, ёмон ишлаяпмизми? Деҳқон эртадан қора кечгача далада. Унга иш вақти кун чиқиш ва ботиш билан белгиланган. Ёки ишчи ёмон ишлаяптими? Аммо унга 30—40 йил олдинги тариф билан ҳақ тўланаётганини айтиш жоиз. Дарҳақиқат, кўп меҳнат қиламиз. Лекин, унинг кўп жиҳатлари ибтидоий меҳнатга ўхшаб кетади. Унумсиз, режасиз, самарасиз тер тўкамиз.

Айтайлик, 60 гектарли ерда бизда битта пахтачилик бригадаси бор. Деҳқон, сувчи, техника бошқарувчи, қоровул, бола боғчаси тарбиячилари, ошпаз ва ҳоказоларни қўшиб ҳисобласак, 50—60 кишига бориб қолади. Шу 50—60 кишининг ойликларини тортиб олиш учун қанча ҳамжоа хўжалик раҳбарларидан тортиб Москвагача маълум даражада шерик, албатта. Ҳўш, Америкадачи? 1863 йилда АҚШнинг президенти Авраам Линкольн «Гометедлар» тўғрисида қонун қабул қилди. Шу қонунга кўра америкалик деҳқон (фермер) 67 гектардан ер олиш ҳуқуқига эга бўлди. Демак 67 гектар ерда бир Америка оиласи ишлайди. 60 га ерда 50—60 киши. Сир эмас, тадбиркор фермер оиласи қарамлар ишлаётган жамоа хўжаликларидан яхшироқ даромад олмоқдалар, яхшироқ яшамоқдалар, яхшироқ дам олмоқдалар. Бунинг сабаби нимада эканлигини биз ҳали жиддий ўйлаб кўрганимиз йўқ. Биз жамоа ва давлат хўжаликлари мутлақо тарқатиб юборилишини, ер умрбод деҳқонга берилишининг тарафдоримиз. Шунда бирининг ҳисобига иккинчиси яшашига бархам беришимиз мумкин.

Тарихдан маълумки, 20-йиллар ўта оғир бўлган. Айниқса, иқтисодиётда. Шўро давлати ана шу шароитда 30-йиллар ўрталаригача қулоқларни сақлаб келди. Ишлар битгач, улар синф сифатида гумдон қилинди. Қулоқлар ҳеч қандай синфий душман эмасдилар. Кексаларнинг айтишича, ниҳоят хўжасини, уч-тўрт қўйи, арава, от-улов ва бир неча танобгина ери бўлганлар қулоқ сифатида йўқ қилинган. Ўша, биз хусусий мулкчи, ўз меҳнатидан ва эксплуатация эвазидан бойиб келган одамларнинг мулкини пулга чақиб кўрайликчи. Неча сўм бўлади? Ҳашаматли кошона-ю, емиш-ичишлар билан ҳисобланса, билмадик «ишбилармон»ларимизнинг бойлиги қанча бўларкин? Бизнинг «ишбилармон» галдирларимиз Сталин қурбон қилган қулоқлардан нечтасини сотиб олиши мумкин? Қолаверса, бугун янги тамғали машиналар бозорда 30-40, ҳатто юз минг сўмдан сотиб олинмоқда. Шунча пулга қулоқлар мулкидан қирқтасини харид қилиш мумкинку.

Аслида биз хусусий мулкни тугатамиз, деб инсофли, диёнатли агроном деҳқону, ишбилармон заводчиларни йўқотдик. Лекин қандайдир хусусий мулкчи, галдирлар синфини вужудга келтирдик. Қулоқ ҳалол меҳнат эвазига бой бўлгандир. Лекин бизнинг галдирлар кимнинг меҳнати эвазига бу қадар бойликни тўплашдилар? Эндиликда бой берилган имкониятларни, иқтисодий йўқотишларнинг ўрнини тиклаш мумкинми? Бизнингча, мумкин. Фақат буйруқбозликнинг бизга қўллари йўқ бўлса бас. Пахтакор 2—2,5 минг сўм пулни, бир гектар ерни эртадан кечгача, баҳордан кузгача ишлаб топиши мумкин. Шунинг 25-30 фоизи деҳқонга иш ҳақи қилиб берилади. 10 сотих ерга қулупнай экиб ҳам шунча бойлик топиш мумкин. Полизчилик, сабзавотчилик, мевачилик билан пахтага нисбатан 5-6 марта ортиқ бойлик топиш мумкинлигини бугун ҳамма билади.

Бизда 280 миллиондан ортиқроқ аҳоли (40 миллионга яқин) қишлоқ хўжалигида ишловчилар бормоқда. Қандай яшовимиз ўзимизга маълум. Агар биз АҚШдаги қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг бизники даражасига олиб чиқсак, яъни 40 миллионга етказиб ҳисобласак, улар 2 миллиард аҳолини, яъни ҳозирги ер юзи аҳолисининг 40 фоизини боқиши мумкин экан. Бу оддий ҳисоб-китоб. Баъзи ота-оналар болаларни ишлатиб, пул топишнинг машаққатларини кўрсатиб, ўзи топган пуллар эвазига уйлайдилар. Баъзилар эса аксинча, ҳавас, ёки ота-она йиғган-терган пули ҳисобига тайёр уй-жой қуриб беради. Ҳарбий хизматдан келишганда уйлайди-қўяди. Пул топиб уйланганга нисбатан ота-онаси ҳисобига уйланганнинг ажралишга бўлади, ажралиш даврида тезроқ ишни битиради. Ажралади қўяди. Чунки унинг пул топиб, бели оғримаган.

Бозор иқтисодиёти тўғрисида яна бир оғиз сўз. Тан олишимиз кераки, бозор иқтисодиёти ҳақида гап бўлганидан даврларидаёқ биз бозор иқтисодиётига ўтиб бўлган эдик. Исбот талаб қилувчилар, марҳамат чайқовга бориб кўрсинлар. Давлат тамғаси босилган нарсаларнинг ҳаммаси бозорда. Одамнинг қонидан бошқасини топасиз. Мен машинамга шина, аккумулятор, бошқа қисмлар излаб автодўкон ёки автосервисларда умуман топа олмаслигим мумкин. Бозорда бор. Тўрт киши тўпланган ер бугун — бозор. Оддий тормоз салниги (3 тийинлик нарса) 1 сўм. Шундай кийим-кечак, газламалар бор, фабрикадан чиқибоқ дўкон юзини кўрмай, тўғри бозорларда устама нархда сотилади. Ўша аслида бозор иқтисодиётига ўтиб бўлинганлиги, бизнинг назаримизда, шу нарсага қонуний тус бермоқчи.

Камолиддин ҚАМБАРОВ,
ЎзССЖ Халқ нонби, ЎзССЖ Олий кенгаши ёшлар билан ишлаш доимий комиссиясининг масъул котиби.

Олимжон ЮНУСОВ,
Наманган вилояти Уйчи ноҳияси 10-ўрта мактабнинг тарих ва жамиятшунослик фани ўқитувчиси.

Съездолди мусоҳабаси

МУСТАҚИЛЛИК — МУҚАДДАС ҒОЯ

(Боши 1-бетда).

Қайтаришга тўғри келсада яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчи эдим: ватанпарварликнинг биринчи белгиси ўз тарихини билишдир. Худди шу маънода бобомиз Амир Темур шахсига бўлган муносабатни олайлик. Расмий фанда у тўғрисида танқидий фикрлар билдирилган, босқинчи, қонхўр деб аташган. Лекин тарихий шахсларни ўша даврдан ажратиб ҳозирги кун нуқтаи назаридан баҳо бериш мутлақо нотўғридир. Темур аввалambор Ўрта Осиёни мўғул истилочиларидан озод қилиб халқимизга эркинлик ва мустақилликни қайтариб бермадими? Агар у фақат босқинчилиг-у қонхўрлик билан шуғулланган бўлса қадим Туронда фан, маданият, меъморчилик юксак даражада тараққий этармиди? Иван Грозний, Петр I фаолиятига бағишланган фильмлар, қанчадан-қанча асарлар яратилган. Нима, улар Темурдан камроқ қон тўкканми? Биз эса яқин яқингача бу тарихий шахснинг номини тилга олишга ҳам қўрқардик. Темир Малик, Муқанна, Тўмарис сингари босқинчиларга қарши курашиб довруғ таратган халқимизнинг қанчадан-қанча асл ўғил-қизлари бўла туриб, уларнинг бирортаси ҳам шу пайтгача миллий қаҳрамон даражасига чиқарилмаган бўлса қандай қилиб ўзбек йигитларида зобитликка қизиқиш бўлсин? Рус ёшлари учун доимо тақлид қиладиган, ибрат оладиган Суворов, Кутузовлари бўлган. Шунинг учун ҳам уларда Жуков, Малиновский, Черняховский, Рокоссовский, Тимошенко сингари маршаллар етишиб чиққан. Бизда эса... Ҳа, бежиз айтишмаган: «Тарихини билмаган халқ келажак олдида ҳам ҳайиқиб туради» деб.

— Ўзбекистон комсомолининг XXIV съездида қабул қилинажак жумҳурият ЛКЕИнинг Ҳаракатномаси ва Устави ҳозирги ёшларнинг талабларига жавоб бера оладими! Ушбу ҳужжатларда қандай ютуқ ва камчиликлар бор!

— Ҳаракатнома ва Устав тўғрисида қизғин баҳслар давом этяпти. Афсуски муҳокамада асосан комсомол ходимлари ва фаоллари қатнашишяпти, холос. Йигит-қизларнинг аксарият қисмида ҳужжатлар қизиқиш уйғотди, деб айтолмаймиз. Шундай бўлсада бир нарсани таъкидламоқчи эдим. Ҳаракатнома ва Уставнинг қабул қилиниши комсомолимиз тарихида катта воқеа бўлади. Зеро мустақилликнинг биринчи белгиси ўз вазифасини ва мақсадларини ўзи белгилашдир. Ҳаракатнома ва Устав қабул қилингандан сўнг ҳам улар ҳаммани бирдек тўла қаноатлантиради деб ҳеч ким айта олмайди. Аммо у қотиб қолган тош эмас, келгуси авлод комсомоллари давр ва ўз талабларидан келиб чиқиб унга истаганча тузатиш ва қўшимчалар киритишлари ёхуд янгисини тайёрлашлари мумкин. Лекин ёшлар ташкилотимизга Ҳаракатнома ва Уставга қараб эмас аввалambор амалий фаолиятимизга қараб баҳо берадилар. Ҳужжатларда баён этилган позициялар эса бўлажак ҳаракатимизнинг асоси, холос.

Назаримда бу икки ҳужжатдан муҳимроғи ва асосийси Ҳаракатномадир. Шахсан мен унда ёшлар учун умуммиллий программалар ишлаб чиқилиши лозим деб ўйлайман. Мисол учун:

а) ёшларнинг турмуш тарзини яхшилаш;

б) миллий ва маънавий тикланиш;

в) ёшлар ва экология;

г) миллатлараро тотувлик учун;

д) миллатнинг соғломлиги учун кураш каби амалий программалар.

Албатта, бу ўринда ғоят нозик бир саволга жавоб беришга тўғри келади: бугунги ёшларни қайси ғоя бирлаштириб турибди ёки бирлаштириши мумкин? Менимча бизлар бир нарсани тан олишимиз керак: жумҳуриятимиздаги мавжуд шароитда, халқимиз, ёшларимиз ўз-ўзини англаётган вазиятда, Олий Кенгашимиз бутун жаҳонга Ўзбекистоннинг мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияни эълон қилган бир пайтда йигит-қизларни бирлаштирувчи асосий ғоя бу — она юртимизнинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақил давлатга айлантириш ғоясидир.

Ёшларнинг коммунистик ғояга ишонган ёки ишонмаганлигидан, динга сиғиниши ёки даҳрийлигидан, миллати, ирқи, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар бу ғоя уларни бирлаштирувчи ва ҳаракатга ундовчи асосий ғоя деб ҳисоблайман. Менимча (шахсий фикрим), бизнинг ташкилотимиз барча демократик ёшлар учун очиқ бўлиши керак. Унинг асосий принциплари;

а) инсонпарварлик;

б) миллий тотувлик;

в) жумҳурият ва миллат келажагига хизмат қилиш;


г) ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш;

д) ёш авлоднинг баркамол улғайишига шароит яратиб беришдан иборат бўлса менимча бу жамиятимиз ва жумҳуриятимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган бўларди.

Менга айтингчи коммунистик ёшлар ташкилоти бўла туриб бу бизнинг мақсадларимизни тан олган ҳолда уни амалга оширишнинг биз ўйлагандан кўра бошқачароқ йўлини топган демократик қарашдаги ёшларни тан олмасликми? Балки коммунистик ва демократик ёшларни бирлаштириш учун қўлимизни узатадиган пайт келгандир?

Хуллас, съездда менимча фикрлар тўқнашуви бўлади. Лекин нима бўлганда ҳам ўз фикримизни қатъий ҳимоя қилган ҳолда ўзгаларнинг ҳам фикрини ҳурмат билан эшитишимиз, умум манфаати йўлида келишиб, ёшлар ҳаракатининг бирлигини сақлаб қолишимиз зарур. Чунки олдимизда улуғ ва муқаддас ғоя — жумҳуриятимизнинг тўла сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги учун кураш ғояси, халқимизнинг тараққиёти ва фаровон турмуши учун кураш вазифаси турибди.

Суҳбатдош Фаррух РАҲИМ.



Гулчеҳрани Самарқанд ноҳияси ҳудудида яшаётганларнинг кўпчилиги яхши танийди. Айниқса, балоғат ёшига етган йигит-қизлардан тортиб, кекса чол-кампирларгача жуда ҳурмат қилишади. Мана олти йилдирки, у шу ноҳия ички ишлар бўлимига қарашли паспорт столи бўлинмасида ишлаяпти. Ҳар куни бу ерда одам гавжум. Бирови паспорт оламан дейди, бирови йўқотиб қўйдим, нима маслаҳат берасизлар? деб саволларга кўмиб ташлашади. Йўқ, Гулчеҳра шу ишни танлаганидан сира ўкинмайди. Одамлар орасида ишлашнинг ҳам ўзига яраша гашти борда.

СУРАТДА: Гулчеҳра Давронова иш устида.

А. ХАЛИЛОВ сурати.

«СЕН ЁНМАСАНГ...»

[«Иллатнинг илдизи қаерда?», «Ёш ленинчи» 1990 йил, 29 август]

Мақола юзасидан жуда кўп мактублар келди. Баъзи муаллифлар мақолада кўтарилган масала жуда долзарблигини таъкидлаб ёзсалар, баъзи бирлари «муаллифнинг ноҳақ»лигини, бу масалада қизларга нисбатан йигитлар кўпроқ айбдорлигини исботлашга уринишган. Улар муносабат билдирибгина қўяқолмай, ёмон йўлларга кириб кетаётган қизларимизнинг тарбияларини тиклаш ҳақида қизиқарли таклиф ва мулоҳазалар ҳам билдиришган. Келинг, яхшиси айрим мактублар билан биргаликда танишайлик, балки, сизда ҳам бирор фикр туғилиб қолар:

Наманганлик муштарий **Барно МАТМУРОДОВА** ўз хатида ёзади «...Агар йигитларимиз, қизларга худди ўз сингилларидек муносабатда бўлишса, уларни камситмай кўнгилларига қарашса, кўча-кўйда гап отиб, шилқимлик қилиб, кўнгилларини ранжитишмаса, сингиллар ўзларини тергайдиган, керак бўлиб қолса, ҳимоя қила оладиган акалари борлигини ҳар лаҳзада ҳис қилб туришса, балки, ёмон кўчаларга кириб кетишмасмиди?!...

Мақолада «Ўтган кунлар»даги Кумушдек қизлар ҳақида орзу қилинади. Отабеклар-чи? Отабеклар қани? Қаерда улар?!...

Тан олиш керак. «Ёмон» қизларимиз ҳам бор. Фикримча, ундай қизларни ҳам, улар билан бақамти бўлган йигитларни ҳам, янги қонун чиқариб, жазолаш керак. Шундагина миллий ғуруримизни топтаётган, қадриятларимизни ерга ураётганларга озми-кўпми зарба берган бўлардик».

Нима ҳам дердик. Барно ҳақ. Лекин адашганларни (агар уларни шундай деб аташ мумкин бўлса!) олий жазога ҳукм қилиш, аслида улар бунданда, оғирроқ жазога лойиқ бўлсалар-да, оддийгина одамийлик нуқтаи назаридан ҳам тўғри келмайди. Айнан шу ҳукм ҳақида тўхталганимизга сабаб, бошқа ўнлаб мактубларнинг муаллифлари ҳам шу фикрни олға суришган ва бунга Хитойда қабул қилинган «шаҳвоний ҳирс қўзғатувчи видеофильмларни намойиш этганлик учун ўлим жазоси» белгиланганлигини мисол қилиб келтиришган. Назаримда, уларни жазолаш билан ниятимизга эриша олмаймиз. Энг аввало биз, ёшларимизнинг тарбияси бузилишига сабаб бўлаётган унсурларни топишимиз, уларга қарши курашишимиз лозим. Иллатнинг илдизи жамиятдами, иқтисодиётдами, сиёсатдами ёки қонунларнинг бўшлигидами эканлигини аниқлаш ва шунга қараб чора излашимиз даркор.

Яна бир муштарийимиз, тошкентлик **Ҳилола ЮСУПОВА**нинг фикрлари ҳам диққатга молик. «Мақолангизда фақат «қизлар», «қизлар», «қизлар», деб, бор айбни қизларга қўйибсиз, — деб ёзади у. — Тўғри сиз айтган «қизлар» бор. Лекин уларнинг турмушга чиқмасдан фарзандлик бўлиб қолишига, ёмон йўлларга кириб кетишига ким айбдор? Сиз айтаётган, тилга олаётган «содда» йигитлар эмасми? Ахир, ўша «ёмон» қизларнинг орасига тасодифан ёки мажбуран кириб қолганлари ҳам бор-ку.

Яқинда дугонам билан таксига ўтирган эдик. Ҳайдовчи «Чиғатой дарвоза»га борганда сигарета олиш учун тўхтади. Ўша ерда тўрт-бешта йигит пиво ичиб ўтирган экан. Тўғридан-тўғри келиб машинага ўтириб олишди. Ҳайдовчига: «Оғайни, мамбуларингни ташлаб кетасан», деб туриб олишди... Хуллас биз, дугонамнинг никоҳ узугини уларга бериб, ўзимизни қутқариб қолдик. На ҳайдовчи ёнимизни олишга яради, на кўчадан ўтиб турган (биз йигирма минутга яқин тортишиб турдик) ўзбек, сиз айтмоқчи «содда» йигитлар...

Биз кейин арз қилишимиз мумкин эди. Чунки ўша такси номерини яхши эслаб қолганмиз. Лекин арз қилмадик. Сабаб? Қўрқдик. Ўзбек қизларини, яъни ўз сингилларини ҳимоя қила оладиган, мард, белида белбоғи бор йигитлар йўқлиги учун ҚЎРҚДИК...»

Ҳилоланинг бошига тушган воқеа бизнинг бугунги кунимиз учун оддий ҳолга айланиб, бораётгани ҳам сир эмас. Энг афсусланарли жойи шундаки, биз кундан-кунга кўникиб бораяпмиз. Аслида ҳам шундай бўлиши керакдек тутаяпмиз ўзимизни. Ўтган йиллар (балки жамиятнинг нобопligидир) бизни фараз қилиш қобилиятидан ҳам маҳрум қилиб қўйди, шекилли. Бўлмаса, ўша ҳайдовчи ёки йўловчи йигитлар (қолаверса, қароқчилар ҳам) икки масъума қизнинг ўрнига ўз оналари, опа-сингиллари ёки умр йўлдошларини қўйиб кўришса, бу қадар лоқайд бўлишмаган бўлармиди? Бири бўлмаса, бири қизларнинг ёнини оларди...

Энди мақолада фақат «қизлар»ни айблаганимизга келсак, биринчидан ойнасўзимиз қизлар ҳақида фикр юритишни талаб қилган бўлса, иккинчидан мақсад қизларимизни баҳсга тортиш эди. Худди ана шу нуқтани ҳис қилган муштарийлар, иллат илдизини қидирадилар ва бу ярамас иллатдан қутулиш йўлларини таклиф қиладилар. Бухоролик муштарий **Равшаной ТОЛИБОВА** шундай фикр юритади:

«Мақолада тилга олинган иллатлар кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Унинг илдизини 25-30 йилнинг нарисидан қидиришимиз керак. Бизнинг илк хатомиз аёлларга «эркинлик берамиз», деб жар солиб, уларни «эркаклар билан тенг ҳуқуқ» қилдик, деб мақтаниб, аслида эса уларни дунёнинг керакли-кераксиз ташвишларига ипсиз боғлаб ташлаганимиз бўлди. Аёл ҳар қанча ҳаракат қилмасин, ДАЛА, ЖАМОАТ, ДАВЛАТ, РЎЗҒОР ишларидан ортиб, болаларини тарбиялашга етарли вақт топа олмайди. Буниг иложи ҳам йўқ. Шарқда азал-азалдан эркак оилани иқтисодий томондан таъминлаган, аёл уйида ўтириб фарзандлари тарбияси билан шуғулланган. Биз ота-боболаримизни ана шу удумини топтаб ташладик ва бу билан уялмай-нетмай фахрландик ҳам. Уйда ёлғиз қолган бола кўнглига нима келса, ўшани қилади. Мана энг оддийси ойнаи жаҳонни олиб кўрайлик: бола уйда ота-онаси йўқ пайтида, бекорчиликдан унинг қулоғини бурайди. Унда эса кундан-кунга ярамас нарсалар кўпайиб бораяпти. Бола эса ҳамиша қизиқувчан бўлади, катталардан эшитган, кўрган нарсасини синаб кўришни хоҳлайди. Мен бир нарсани тушунмайман, рўзномаларда тарбияни бузувчи фильмларни ойнаи жаҳонда кўрсатмаслик ҳақида қанча кўп ёзилса, улар шунча кўп намойиш этишяпти...

Яна бир, албатта, айтилиши керак бўлган масала борки, бу аёлларимизнинг кийиниш маданияти ҳақида. Ҳозирги оналаримиз ўзлари сезиб-сезмаган ҳолда, боғча ёшидаги қизларига ҳам Оврупача фасондаги кўйлаклар кийгизадилар. Ёшлигидан шунга ўрганган қиз, катта бўлгандан кейин ҳам бу одатни тарк этолмайди ёки тарк этгиси келмайди. Ана шунинг натижаси ўлароқ бугун этаги тиззадан баланд, кўкраги очиқ (ёки тўр тутилган), икки ёни белигача қирқилган кўйлаклар урфга кириб бораяпти. Халқимиздаги «Гадой бир эшикдан ўтгунча», деган мақол бежиз айтилмаганини ҳар бир она ҳис қилиши керак. Чунки, ўзлигини, ўзбеклигини, миллий қадрияти-ю қиёфасини, урф-одатини унутиш ёшликдан бошланади ва бунда миллий кийим ҳам ўзига яраша роль ўйнайди».

Равшанойнинг фикрларида жон бор. Ҳақиқатда ҳам биз аёлларимизни дала-ю идора ишларига шундай чиройли иплар билан чирмаб ташлаганмиз. ОНА — унинг олдидаги энг асосий ва энг масъулиятли вазифа, бу — ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ эканлигини унутиб қўйдик ёки билганимиз ҳолда ҳам бундан кўз юмдик. Янаям даҳшатлиси биз атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан шу даражада лоқайд қарай бошладикки, бу лоқайдлик охир-оқибат бизни манқуртликка, яъни ўз-ўзимизни унутишга олиб бориши мумкин эканлиги ёдимизга келмаяпти.

Яна бир гуруҳ муштарийларимиз эса, бир-икки мақола ёзган ёки гапирган билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, яхшиси индамай қўя қолиш керак. Сиз-у биз ҳар қанча куйиб-пишганимиз билан бефойда, ахир қонун бор ва у жуда ҳам бўш, деган ғояни илгари сурганлар. Тўғри, қонунларимизнинг бўшлиги рост. Лекин қонун бўш экан, ёзган билан ўзгармас экан, деб ўтираверамизми? Оқибати нима бўлади? Бу томонларини ҳам ўйлашимиз керак-ку. Ахир қачонгача биз учун бировлар ўйлайди, бировлар қонун чиқаради. Шоир Нозим Ҳикмат «Сен ёнмасанг, Мен ёнмасам, Бизлар ёнмасак...» деганида ҳаммамизни умумий курашга чорламаганмиди? Бу иллатлар ҳам ўз ҳолича бир ёғий. Бу ёғийни йўқотмоқ учун, фарзандларимизнинг келажаги порлоқ, қони тоза, пок, ҳалол бўлиши учун, албатта, қўлни қўлга бериш даркор. Агар жамоатчилик ҳаракатга келмас экан, ҳар қандай қаттиққўллик асосида ишлаб чиқилган қонун ҳам иш бермайди.

Яна баъзи муштарийлар ёшларимизни Ислом дини орқали тарбиялашни йўлга қўйиш ҳақида фикр юритадилар. Уларнинг фикрларини ҳам эътибордан соқит қилмаслик, иложи борича фойдаланиш, Исломда «бузуқлик» нақадар катта ГУНОҲ эканлигини ёшларга тушунтириш лозим.

Энг асосийси эса, бугун айб қизларда ёки йигитларда, деб масала талашиш эмас, нима қилсак ўша «айб»дорлар камайиши ҳақида ўйлайдиган вақт келди. Келинг, азиз муштарий, ҳозирча ҳар биримиз, ҳеч бўлмаса, бир йигит ёки қизни ёмон йўллардан қайтарайлик! Атрофимиздагиларни лоқайдлик уйқусидан уйғотишга ҳаракат қилайлик! Токи, ҳар бир киши ёмонликни кўрганда ёки эшитганда, бефарқ бўлолмасин!

Мактубларни журналист
Ислом ҲАМРО шарҳлади.

Зиёвутдин АКРОМОВ,
жўғрофия фанлари доктори.

ҚОРА БУҚА — ДИЁР РАМЗИ

Кардово шаҳри ва вилоятининг анъанасига кўра, ҳар йили май ойида шаҳарда ярмарка байрами бўлар экан. Бизнинг Кардовода бўлишимиз шу байрам кунларига тўғри келиб қолди, бундан биз жуда хурсанд бўлдик. Чунки бу бир ҳафта давом этувчи байрам шаҳарнинг марказида кенг хиёбонни икки томонидан ўраб олган боғларда бўлар экан. Асосан манзарали дарахтлар соясидаги жойлар ўртача ярим гектарча қилиб ўралган. Дарвозаси катта хиёбонга қаратилган. Шундай ўралган жойлардан хиёбонни икки томонида 30 га яқинини кўрдик. Байрам либосига бурканган ҳар бир алоҳида боғчада турли таомлар пиширилган, ичимликлар етарли, ранго-ранг миллий кийимлар кийган ёшлар, қарилар, болалар шўх мусиқа садоларига жўр бўлиб ашулалар айтишади. Фламинго рақсини бажаришади. Хиёбонда турли ширинликлар: холва, бодом, хандон пистадан тортиб миллий таомлар, ўйинчоқлар сотилмоқда. Бу жозибали байрам ўйинлари кечаси соат 2—3 гача давом этар экан. Эртасига кеч салқин тушиши билан яна давом этаверар экан. Бу ўйин-кулгиларни кўрар экансиз, гўёки испанларнинг ҳаёти фақат ўйин-кулги, роҳатдан иборат деб ўйлайсиз. Албатта шундай эмас.

Биз кундузи ресторанда ўтирганимизда бирдан қўшни хонадан шўх куй ва ашулаларнинг овозини эшитдик. Кўп ўтмай биз ўтирган айвонга ўхшаш хонада бир неча чолғувчилар миллий шўх куй чалиб, ашула айтишди. Ашулалар жуда жозибали, ёқимли эдики, биз билан бирга ўтирган америкалик, англиялик, германиялик сайёҳлар ҳам кетма-кет чапак чалишар эди. 3—4 та ашуладан кейин ашулачилардан бири қўлидаги доирага ўхшаш асбобини ҳар бир сайёҳга тутиб, пул беришини илтимос қилди.... Ҳа, ҳаёт шундай мураккаб. Кўчама-кўча пул учун тентираб юрувчи кўчманчи мусиқачилар Испаниянинг ҳамма шаҳарларида кўзга ташланади.

Ҳаёт учун пул, иш жойи топиш учун курашда кўчманчи мусиқачилик ва ўғирликдан тортиб, то қизларни зўрлаш, одам ўлдириш, фоҳишабозлик, қиморбозликкача хилма-хил жиноий ишлар бир-бири билан уйғунлашиб кетган. Бу соҳа фақат Кардовода эмас, балки бутун Испанияда шундай мураккаблашганки, уни алоҳида ёзиш мақсадга мувофиқдир.

Кардово халқларини бир неча минг йил мобайнида турли босқичларга таланиб ва қайтадан мустақил бўлиб Испаниянинг муҳим шаҳарига айланишида ижтимоий, иқтисодий сабаблар билан бирга унинг жуғрофий жойлашиши ва табиатининг қулай ва бой бўлишини ҳам ҳисобга олиш керак. Чунки Испаниянинг энг йирик дарёси Гдавалквир соҳилида ва узоқ масофаларга давом этувчи деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришга имкон берувчи унинг водийсида жойлашиши илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам бу шаҳар жойлашган вилоятдаги 717 минг аҳолини боқишда ва иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Кардово халқи санъатга ишқибоз бўлса-да, шаҳарда мунтазам ишлайдиган театр йўқ. Бир неча жойларда концерт қўйиш ва кўрсатиш учун мослаштирилган бинолар мавжуд, уларда миллий театр компанияларига тегишли труппалар баъзан айрим спектакль кўрсатувларини намойиш қилишади. Шаҳарда оқшом клублари кўп. Уларда миллий ва байналмилал мусиқавий кўрсатувлар бўлиб туради. Дискотека эса ҳамма жойда бор...

Кардово муницитиал оркестри якшанба кунлари Алказор саройида концерт кўрсатади. Мусиқа жўрлигида ашулалар ижро этадиган хор бор, лекин у мустақил ишламайди. Шаҳарга пойтахтдан ва бошқа давлатлардан тез-тез мусиқачилар, хонандалар гастролга келишиб, аҳолини хушнуд қилишади. Ишқибозлар учун баҳордан кузгача муайян стадионда коррида, яъни буқа билан кураш намойиш қилинади.

КОРРИДА — БУҚА БИЛАН КУРАШ

Коррида Испанияда мардлик, жасорат ва эпчиллик рамзи. Шунинг учун спортнинг энг оммавий ва севимли тури. Коррида — санъатнинг турли соҳаларини бир вақтда ва бир жойда намойиш қилувчи ўйин. Бу ўйин табиатнинг олий мўъжизаси онгли инсон билан онгсиз маҳлуқ — буқа ўртасидаги муносабатни кўрсатувчи ёрқин далил. Бу ҳам даҳшатли, ҳам жозибали ўйин қадимдан испанлар ҳаётида анъана бўлиб қолган.

Фақат Испанияда эмас, Лотин Америкасидаги испан тилида гаплашадиган бир неча давлатларда ҳам коррида анъанавий жонивор билан курашга айланган. Бу кураш миллионлаб томошабинларни — оддий ишчилар, зиёлилардан тортиб то давлат президентигача ўзига жалб этувчи ўйиндир. Матадор — (буқа ҳалокатли зарба берувчи тореадор)нинг ҳам жанговар, ҳам жозибали ранго-ранг кийим-кечаклари шунчалик дид билан тайёрланганки, уни кўрмаган киши тасаввур қилиши қийин. Томошабинларнинг, айниқса, ёшларнинг эҳтиросга берилиб, матадор майдонга чиққандан бошлаб қийқиришлари бежиз эмас. Чунки матадорлар кийимида юзлаб ижодкор чеварлар, бичиқчилар, санъаткорлар, тўқимачи мутахассислар фикри ва ихтиролари мужассамланган.

Коррида қачон келиб чиққани номаълум. Лекин тарихий ҳужжатларга қараганда, кўп асрлардан бери давом этади. Ўрта асрларда коррида никоҳ тўйларида ўтказилган. Қирол Альфонсо ҳокимлик қилган даврда куёв ўз дўстлари билан албатта буқа билан курашган. У мардлиги ва эпчиллигини намойиш қилиш учун келиннинг ленталари билан безатилган қилични буқанинг гарданига тиққан, лекин уни ўлдирмаган.

Қадимда ҳам, ҳозирдагидек айрим дардкашлар корридани қиморга айлантириб, ҳар бир тореадор кураши учун пул тикканлар. Натижада тореадор билан буқа ўртасидги кураш билан бир вақтда томошабинлар ўртасида пул учун жанг давом этган. Ҳар бир коррида охирида ярадор бўлганлар, ҳаттоки ўлганлар ҳам бўлган. Шунинг учун қирол Альфонсо коррида курашини пул йиғиш учун амалга оширилишини тақиқлайдиган декрет чиқарган. Натижада тореадорларнинг отда туриб, буқа билан кураши корриданн асосий тури бўлиб қолган. Бунда матадорлар ўзларини чаққонлиги ва жасоратини намойиш қилганлар, холос, буқалар эса ўлдирилмаган. Лекин айрим ҳолларда буқалар учи ўткир шохлари билан отнинг қорнини тешиб, ичак-чавоқларини ағдариб ташлагани томошабинлар ўртасида норозиликлар кўпайишига сабаб бўлган.

XVIII асрларнинг ўрталарида қирол Филипп V отдан туриб буқа билан курашишни бекор қилган. Ўша даврдан бошлаб ҳозиргача матадор пиёда ҳолатда буқа билан уни ўлдиргунгача курашади.

Матадорлар халқ ўртасида миллий қаҳрамон сифатида олқишланади ва ҳурмат қилинади. Луис Мигель Домингин, Пако Камино, Мануэл Бенитес (Кордобес), Паломо Линарес каби матадорлар номи фақат Испанияда эмас, ҳаттоки Лотин Америкаси давлатларида ҳам маълум. Уларнинг ҳар бири, буқа билан кураши тўғрисида минглаб лавҳалар (репортажлар), китоблар, шеърлар, ҳикоялар ёзилган. Коррида тарихида муносиб ном қолдирган матадор Педро Ромеро ҳаётида 5600 буқани ўлдиргани маълум. Буюк ёзувчи Хеменгуэй томошабин сифатида буқа билан курашни кузатиб матадор Ордоньес тўғрисидаги репортажида шундай ёзади: «Унда (1954 йилдаги) Дон Жуан билан Гамлетга тегишли ҳислатлар уйғунлашиб кетган. Менга ёққан ва мени қойил қолдирган ҳислатлардан унинг эпчиллиги, гўзаллиги, кураш учун жисмоний сифатини етарлича, мустаҳкам оёқлари ва буқаларни ҳаётига тегишли энциклопедик маълумотга эга экани, лекин, унинг услуби менга ёқмади».

Ёзувчи матадорни биринчи марта кўргани тўғрисида кўрсатилган фикрлари кейинчалик ўзгарди. Хеменгуэй ўзи ўсган ва жони-дилидан яхши кўрган Испанияда 1939—1953 йилларда бир марта ҳам бўлмаган. Франко турмаларида менинг бирорта дўстларим қолар экан, мен Испанияга оёқ қўймайман, деб қасамёд қилган эди. 1954 йилда ёзувчи Мадридга келди. 1959 йилда яна Испанияда бўлганида июнь ойида Сарагос шаҳрида матадорлар Ордоньес ва Домингин ўртасида мусобақа шаклида ўтказилган корридани мароқ билан кузатди. Бир неча кун ичида Аликанте, Майорке, Валенсин шаҳарларидаги корридаларда ҳам Ордоньес, ҳам Домингин ўз маҳоратларини юқори даражада намойиш қилганлар. Шу билан бирга шамол натижасида мато уларнинг устига ёпилиб қолиши туфайли иккала матадор ҳам кетма-кет икки шаҳардаги жангда ярадор бўладилар. Хеменгуэйни фикридан ва у матадорларни қайси бирига берган юқори баҳосидан қатъий назар, иккала матадорлар мусобақа шаклида ўтган буқа билан бўлган жанг натижасида 8 та қулоқ, 4 та дум ва 2та оёқ олдилар. Бундан ортиқ мукофот олиш ҳам мумкин эмас эди.

Ёзилган маълумотларга қараганда, бундай олий мукофот олиш ҳозиргача қайтарилган эмас. Бу курашлардан таъсирланиб Хеменгуэй «Қонли ёз» номли асар ёзади. Унинг бир қисми «Лайф» ойномасида 1960 йил чоп этилди. Асар тўлалигича чорак аср ўтгандан кейин нашр қилинди. Бу китобда Хеменгуэй шундай ёзади: «Мен ҳеч қачон Испанияда 1959 йилдагидек кучли шамол бўлганини эшитганим йўқ. Ўша йили матадорлар орасида буқадан ярадор бўлганлар кўп эди. Унинг фикрича, сабабчиси шамолдир. Буқа одатда қизил ва сариқ рангли матога ҳужум қилади. Тореадор (матадор) эса турган жойида рангли матони буқанинг шоҳига тўғрилайди, натижада буқа матога ҳужум қилиб, ўтиб кетади. Бордию буқа ҳужум қилиб шамол рангли матони тореро устига ташлаган бўлса, буқа мато билан бирга тореадорга ҳужум қилаётганда, шоҳида осмонга отиши мумкин, ярадор қилиши, ҳаттоки ўлдириши мумкин. Матадорлар орасида умрбод чўлоқ, кўр бўлиб қолганлари йўқ эмас.

Испаниянинг деярли ҳамма вилоятларидаги катта шаҳарларида, Мадрид, Севилье, Толедо, Кардово ва бошқаларда коррида учун махсус стадионлар қурилган. Коррида курашини кўриш учун стадионга кириш ҳақи — 1 мингдан то 15 минг песетгача (1989 йилдаги маълумотга кўра, 1000 песет 5 сўм 30 тийинга баробар).

Коррида 3 қисмдан иборат: биринчи қисмда тореадор (буқанинг шохи кирмайдиган буюмлар билан ўралган отдаги киши) қўлидаги найзасини буқага санчиб, унинг жаҳлини чиқаради ҳамда чарчатади; чарчаган ва ҳолдан тойган вақтдан бошлаб тореадор курашади; шу вақтда у ёрдамчилари билан 6 та қиличини буқанинг бўйнига тиқиб қонини, ҳаттоки гўштини чиқариб юборади. Матадор эса бир қўлидаги қизил алвон билан буқага қарши курашади. Буқа ҳужумини чаққонлик билан четлатган тореадор санъатига қойил қолиб ҳар сафар ҳайқириқлар, чапакбозлик бўлиб туради. Кураш охирида тореадор ханжар билан югуриб буқанинг тил тортмай ўладиган гардонидаги томирига уради. Агар тўғри урган бўлса, бир неча минутда ётиб жон беради. Ана шунда ҳамма томошабин матадорни олқишлайди. Борди-ю, ханжар нотўғри урилиб, буқа ўлмаса, томошабинлар бақиришиб матадорни мазах қилишади.

Буқани бир ханжар уришда ўлдирган матадорнинг обрўси баланд. Одатга кўра, унга ўлдирган буқанинг бир қулоғини кесиб беришади, агарда томошабинларни жуда қойил қолдирган бўлса, улар талаб қилса, буқанинг иккинчи қулоғини ҳам кесиб беришади. Баъзан шундай бўладики, юқорида ўтирган давлат президенти ва ҳукумат раҳбарлари ҳам томошабин билан бирга талаб қилишса, ўлдирилган буқанинг иккинчи қулоғидан ташқари думини, ҳатто оёғини ҳам кесиб беришади. Бундай олий мукофотга камдан-кам матадорлар сазовор бўлишади.

Коррида учун ҳар хил зотли буқалар тўғри келавермайди. Шунга кўра, Испанияда 600 та буқачиликка ихтисослашган хўжалик мавжуд. Уларда коррида учун юз йиллар мобайнида вужудга келган махсус зотли буқалар боқилади. Ҳар бир хўжаликдаги 10—12 минг гектар яйловларда буқалар эркин ҳолда, худди ёввойи шароитда одамларни кўрсатмай боқилади. Сўнгги йилларда яйловларнинг ҳажми қисқариши сабабли буқа боқиш ҳам қийинлашмоқда.

Матадорларни тайёрлайдиган илгари мактаб бўлмаган. Бу ҳунарни хоҳловчилар унинг сирларини ўзлари ўрганганлар, сўнгра асосий йўллари ва усулларини қариган ёки бошқа сабаблар натижасида коррherидан воз кечган собиқ матдорлардан ўрганганлар. Айтишларича, сўнгги йилларда ёшлар ўртасида матадорлик касбига қизиқувчилар камайиб, компьютер ва футболга ишқибозлар кўпаймоқда. Лекин, 1975 йилда Мадридда очилган матадорлар мактаби буқа билан курашувчи мутахассисларни тайёрлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Испания қонунига биноан 14 ёшгача бўлган болалар буқа билан курашишгина эмас, ҳаттоки корридани стадионга бориб томоша қилиши ҳам мумкин эмас. Лекин ҳаётда эса бу қонунлар кўп жойларда аллақачонлар эсдан чиққан. Ёшлар ойнаи жаҳон орқали қонга беланган ва ақлдан озган буқаларни тез-тез кўрадилар, корридага борибгина қолмай, буқа билан курашадилар.

СЕВИЛЬЯ ДАРГОҲИДА

1950 йиллар бошларида Москва Давлат дорилфунунида аспирант бўлиб кандидатлик диссертациясини ёзиш чоғида марҳум домлам профессор Саушкин Глебович менга театрларга ва музейларга тез-тез бориб ақлий доирани кенгайтиришни тавсия этган эди. Шунга кўра бошқа театрлар қатори Москвадаги академик Катта театрига тез-тез бориб, опера ва балетларни кўришга одатланиб қолган эдим. Шу театрда рус ва жаҳон классик бастакорларидан Чайковский, Глинка, Бетховен, Мусоргский, Моцарт, Шопен, Верди, Пуччини, Бизе, Штраус ва бошқаларнинг ижодига мансуб опера ва турли хил балетларни мароқ билан кўрар эдим. Айниқса, улуғ Италия бастакори Россини ижод қилган «Севилья сартароши» операсини кўрганимда ундаги ёқимли ариялар ва шўх куйларни эшитиб ҳамда жозибали ва дилрабо рақсларни томоша қилган, ҳаяжонланган эдим. Операда севиш ва севилишни тараннум этувчи Севилья халқи анъаналари, урф-одатлари билан уйғунлашиб кетган эди. Ўша йиллардан бери Севильяни кўриш орзу-ниятларимдан бири эди.

Яхши ният қилсанг, албатта, ниятингга етасан, деганларидек мана мен Севилья шаҳридаман. Севилья мен тасаввур қилган шаҳарлардан бутунлай бошқача эди. Унинг ташқи қиёфаси, табиати, анъаналарга бой заҳматкаш халқи бир кўришдаёқ кишига ёқиб қолади. Шаҳар Гдавалквир дарёсининг икки соҳилига жойлашган бўлиб, унинг 900 мингдан ортиқ халқи ҳаёти ва меҳнат фаолиятида шу азим дарёнинг аҳамияти катта. Баланд тоғлардан бошланиб Атлантика океанига қарашли Кадис қўлтиғига қуйиладиган дарё сувида қадимда қандай бўлса, ҳозирда ҳам ундан кўпроқ катта-кичик кемалар сузиб юрибди. Кемалар денгиздан то Севилья шаҳригача боради, ундан юқори томон дарё саёз бўлгани сабабли кемалар суза олмайди. Бинобарин, Севилья Испаниянинг энг катта дарё ҳамда денгиз порт шаҳридир. Севилья кўп асрлик тарихга эга. У қадимда Гиспалис деб аталган. Шаҳарни учинчи асрда римликлар ва 712 йилда араблар босиб олиб, ислом динини тарқатганлар. 1248 йилда Севилья араблардан тортиб олингач, Кастилия ва Леон қироллигига қўшилади. Четдан келиб Севильяда ҳукмронлик қилган ҳар бир халқ шаҳарнинг қиёфасини такомиллаштиришга ҳисса қўшади. Шу сабабли Гдавалквир дарёсининг иккала соҳилига қарасангиз, Рим, араб, Италия, испан меъморчилик маданияти бир-бирига уйғунлашишини акс этувчи баланд бинолар, черковлар, савдо ва бошқарув ташкилотларини ҳамда улар оралиғида истироҳат қилиш учун ажойиб дарахтлар, буталар, анвойи гулларга бурканган сўлим жойларни кўрасиз.

Севилья — Испаниянинг муҳим савдо ва саноат маркази. Темир йўллар ва автомобиль йўллари дарёдаги ва у орқали денгиз порти билан қўшилиб йирик транспорт тугунини ҳосил қилган. Шаҳарда ва унинг атрофидаги мўрилардан чиқаётган тутунлар саноатнинг етарли даражада ривожланганидан дарак беради. Асосан маҳаллий хом ашё асосида ишлайдиган тамаки, вино, ёғ-мой, консерва, тўқимачилик, кўн, ойна, қоғоз бинокорлик буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотлари мамлакатнинг узоқ ноҳияларига ва хорижий давлатларга чиқарилади. Машинасозлик заводлари орасида энг кексаларидан бири кемасозлик, электростанциялар дарё соҳилида жойлашган.

Севилья тайёрагоҳи (Сан Пабло)дан Аликанта, Барселона, Билбао, Канар ороллари, Мадрид, Валенсияга ва хорижий давлатларга ҳаво лайнерлари қатнаб туради. Йўловчиларга хизмат қилиш борасида биз учун намуна бўладиган жараёнлар кўп.

Севилья — Анализия тарихий вилоятини марказий шаҳри, жаҳоннинг ҳамма қитъаларидан миллионлаб сайёҳлар келиб томоша қиладиган ва дам оладиган шаҳар. Йил бўйи турли давлатларда истиқомат қилувчи кишиларнинг либосини кийган ва турли динларга ибодат қилувчи одамларни шаҳар сайргоҳларида кўрасиз. Шаҳарнинг кўзга ташланадиган биноларидан бири Гвадел-Квир дарёсининг чап қирғоғида 1220 йилда араблар ҳукмронлиги даврида барпо қилинган олтин минорадир. Бу минора худди дарёни назорат қилиб турганга ўхшайди. Минора қадимда шаҳарни босқинчилардан ҳимоя қилиш учун қурилган деворнинг дарё портига яқин жойда бўлиб, қадимда дарёнинг қарама-қарши томонидаги минора билан занжирлар орқали боғланган (ҳозир ўнг соҳилдаги минора йўқ). Икки минора чироқлари билан портни ёритиб, душмандан ҳимоя қилган.

Севильядаги энг кўркам ва томошабинлар диққатини жалб қилувчи қурилишлардан яна бири Жиралда минорасидир. У 1184 йилда қурилган бўлиб, асосий незанаси ва унинг атрофидаги 4 та олмоссимон незаналар олтиндан ясалган, қиммати бир неча юз минг динордан иборат бўлган. Севилья араблардан озод қилингандан сўнг 1565—1568 йилларда христианлар минора шаклини қисман ўзгартириб, унинг устига 25 та қўнғироқ осадилар. Минора олдидаги боғ ҳовли доим сайёҳлар ва айниқса, болалар билан гавжум. Бундаги юзлаб оқ кабутарлар овқат кўрсатсангиз, бошингизга, қўлингизга қўниб, сизни ҳам бахтиёр қилади.

Минора ёнидаги Севильядаги энг катта мачит 15 асрда бузиб ташланади. Унинг ўрнида йирик католик черкови барпо қилинади. Бу Рим ва Лондондаги черковлардан кейин христиан оламидаги энг йирик католиклар черковидир. Готика услубида қурилган бу черковнинг 9 та эшиги бўлиб, баландлиги 30 метр 48 сантиметр, узунлиги 126 метр 18 сантиметр, эни 82 метр, черковда Гойя, Тристиан ва бошқа буюк мўйқалам соҳибларининг христиан динига оид ишлаган расмлари осилган ёки деворлари, шипларига чизилган.

Севильяда ўқув юртлари ва маданий муассасалар кўп. Булардан 1502 йилдан бошлаб ишлаб турган дорилфунун кўп соҳа бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди. Уларнинг бой кутубхонасида турли тилда чоп этилган ва дунёдаги кўп мамлакатлардан олинган китоблар билан бирга минглаб жилтни ташқил қилувчи тарихий қўлёзмалар бор. Турли даврда Севильяда ташкил қилинган сайёҳ режалари, карталар ҳам шу жойда тўпланган.

Улуғ француз бастакори Бизе Жорж (1838—1875) ҳаётида кўп опералар, симфониялар ижод қилган. Унинг қаламига мансуб опералардан «Кармен» Проспер Мериме ҳикояси асосида яратилган. Асар қаҳрамони ёш ва шўх қиз Кармен Севилья тамаки фабрикасида оддий ишчи бўлиб ишлаган. Истараси иссиқ, шўх ўйноқи қизни хушторлари кўп бўлган. Шу ҳикояни мусиқа орқали тараннум этувчи «Кармен» операси дунёдаги кўп давлатларни театрларида, шу жумладан, Навоий номли Тошкент академик опера ва балет театри саҳнасида ҳам кўп йиллардан бери қўйилиб келди.

Испанияда тарихан ривожланиб келган, испан халқига хос бўлган ашулалар ва рақслар мужассамланган Фламинго кўп мамлакатларда маълум. Унда намойиш қилинадиган шўх ва жозибали рақслар, ашулаларни баъзан ойнаи жаҳон экранларида кўрган эдик. Шу сабабли бизнинг Фламинго базмига таклиф қилинишимиздан хурсанд бўлдик. Кечқурун Гвадел-Квир дарёси томон йўл олдик. Дарёда катта-кичик кемалар сузмоқда. Пристанда (кемалар тўхтайдиган жойда) турган каттак кемага тушиб еб-ичиб ўтирган хўрандалар ёнидан ўтиб, ичкаридаги катта залга кирдик. Чамаси 400—500 кишига мўлжалланган залдаги ўриндиқлардан жой олдик. Тез орада дунёнинг ҳар чеккасидан келган сайёҳлар билан зал лиқ тўлди. Базм бошланишидан олдин кема ресторан хизматчилари ким нима ичишини сўраб кетишди. Сўнгра ҳар қатордаги ўриндиқлар олдига қўйилган хонтахта устига талабга биноан виска, вино, кока-кола ичимликлари қўйилди. Базм завқ-шавқ билан бошланди: мусиқа садолари янграши билан зал ўртасидан ўйнаб, ашула айтиб бир неча артистлар саҳнага кўтарилди. Кетма-кет бир жуфт, икки жуфт эркак ва аёллар фламинго рақсини намойиш қилишар, кетидан шўх ашулалар бошланиб яна рақслар жўр бўларди. Кема ойнасидан қарасангиз дарё устида ой шуълалари сувни майин тўлқинларида жилваланиб ўйнар, соҳилдаги ресторанлар, қаҳвахоналарда кишилар гавжумлиги кўзга ташланар эди. Биз эса яхна ва лаззатли ичимликлардан тортиб завқ билан саҳнага қарардик, баъзан чапак чалиб мусиқага жўр бўлардик.

Базмдан сўнг Севилья оқшомини кўришга ҳам муяссар бўлдик. Оқшомда асосан чироқлар билан безатилган рекламалар, очиқ жойларда хўрандалар билан тўла қаҳвахоналар, ресторанларда давом этаётган ғарб рақсларини кўриш мумкин. Ҳамма жойда осойишталик, хурсандчилик ҳукм сурарди. Ўғриларни қувлаган миршаблар, ўтни ўчиришга кетаётган машиналар овози, бир-бири билан уришаётган безорилар, ичиб маст бўлиб ётганлар кўчаларда кўринмас эди. Лекин бу яхши фикрлар шаҳардаги ҳақиқий ҳаётни тўла акс эттирмайди. Чунки Мадриддаги сингари Севильяда ҳам ҳаёт фожиалари, таҳликалари, қувончлари бир-бири билан ёнма-ён учрайди.

(Охири. Боши ўтган сонда).

Хориждан хабарлар

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ҚОХИРА. Босиб олинган жойлардаги кўпчилик аҳоли пунктларида араблар Исроил аскарларининг ваҳшиёна хатти-ҳаракатларига қарши ялпи норозилик иш ташлаши бошладилар.

Қуддусда номаълум кишилар армия соқчиларига ёнувчи аралашма солинган шишалар отганидан кейин аскарлар аҳоли яшайдиган жойлардан бирини қуршаб олдилар. Унинг атрофида жойлашган барча уйларда тинтув ўтказилмоқда. Маъмурлар Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида ва Ғазо секторида яшовчи арабларга шаҳарга киришни тақиқлаб қўйдилар. Шаҳарнинг бошқа бир жойида юзларини миллий рўмол билан яширган фаластинликлар полиция нарядини тошбўрон қилишди. Бир неча киши ҳибсга олинди.

Босқинчилар Ал Халилда автоматлардан ўт очиб ва кўздан ёш оқизадиган гранаталар отиб, талабалар намойишини тарқатиб юбордилар. Фаластинликлар ўқ отиш қуролларига қарши тошлар ва бўш шишалардан фойдаландилар. Араблар орасида жароҳатланганлар бор.

БАЙРУТ. Ливан пойтахтида ҳукуматга қарашли бўлмаган қуролли тузилмаларни катта Байрут сарҳадидан чиқариб юборишни кўзда тутувчи режани амалга ошириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш юзасидан қизғин маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда. Бу музокаралардан мақсад — «Ливан кучлари» ҳарбий-сиёсий ташкилотининг отрядларини Ашрафия деган жойдан чиқариб юборилишига эришишдир. Бу отрядлар токи шу ердан сурияпараст ва ўзларига душман бўлган қуролли тузилмалар чиқиб кетмагунича ўз марраларини ҳукумат қўшинларига бўшатиб беришдан бош тортмоқда. «Орьян жур» рўзномасининг хабар қилишича, ҳукуматнинг «Ливан кучлари» раҳбарлари ҳамда унга қўшилган «Катаиб» шўроси билан музокараларига Ливандаги Сурия армияси қўмондонлигининг вакили аралашди. Унга бу ерда тартибнинг тикланишини назорат қилиш топширилган. Музокаралар ва Сурия вакили берган кафолатлар натижасида, деб ёзади рўзнома, «Ливан кучлари»нинг позициясида ижобий ўзгариш бўлди.

Мамлакатнинг жанубий ноҳияларидаги вазиятни нормаллаштириш жараёни давом этмоқда. Сешанба куни ярим тунда пойтахтдаги меҳмонхоналарнинг бирида «Амал» ҳаракати билан эронпараст «Хезболлах» ташкилоти делегацияларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Эрон билан Сурия вакиллари воситачилик қилишди. Қисқа музокаралардан кейин томонлар Иқлим ат туфах деган жойда бўлиб ўтган қуролли тўқнашувлар чоғида олинган асирларни айирбошладилар. Шунингдек «Хезболлах» билан фаластинликларнинг фатх ташкилоти ҳам ўз асирларини айирбошлади.

КОБУЛ. Ўтган кеча-кундузда муросасиз қуролли оппозиция отрядлари Кобулни яна ракеталар билан ўққа тутди. Шаҳарнинг одамлар яшайдиган даҳаларида 26 реактив снаряд портлаши натижасида икки киши яраланди. Қандаҳор, Гиришк ва Баҳром шаҳарлари ҳам кучли ўққа тутилди. Хабардор манбаларнинг маълум қилишича, Баҳром томонга 400 тадан зиёд ракета отилди.

Афғонистон армияси бўлинмалари экстремистларнинг қуролли тузилмаларига қарши операциялар ўтказди.

ЖЕНЕВА. Швейцарияга амалий ташриф билан борган Афғонистон жумҳурияти Президенти Нажибулло, маълум бўлишича; чоршанба куни Бернда мамлакат федерал кенгашининг аъзолари билан учрашади. Сиёсий шарҳловчиларнинг фикрича, Нажибуллонинг Швейцария маъмурлари билан қизғин мунозаралари бу ишлар яқин келажакда Швейцарияда турли гуруҳлар иштирокида Афғонистон масаласи билан боғлиқ тинч конференция чақириш мақсадида қилинаяпти, деб ўйлаш учун асос беради.

ДЕҲЛИ. Ҳинд океани шимоли-ғарбий қисмидаги «Минг орол» деб ном олган Мальдив жумҳуриятининг пойтахти амалда жанубий Осиё регионал ҳамкорлиги уюшмасига аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг бешинчи учрашуви очилди. Ороллар давлатидаги анжуман учун махсус қурилган энг катта зал — «Дхарубаруга»да Бангладеш, Бутан, Ҳиндистон, Мальдив, Непал, Покистон, Шри Ланканинг ранг-баранг миллий либослар кийган раҳбарлари тўпланди. Булар Жанубий Осиёда яшовчи 1,1 миллиард аҳолининг ёки сайёра аҳолиси тўртдан бир қисмининг вакилларидир.


Бу учрашувни уюштириш осон бўлмади. Уни ҳар йили ўтказиш мўлжалланганига қарамай, бу режа икки йил мобайнида амалга ошмай келди. Экстремист тузилмаларнинг хуружлари натижасида Шри Ланкада вужудга келган беқарор вазият туфайли бу мамлакат раҳбарияти Жанубий Осиё давлатларининг олий анжуманини ташкил этишдан бош тортди. Энди бу анжуманни Малада ўтказиш имконияти пайдо бўлди.

Бундай учрашув биринчи бор 1985 йилда Даккада ўтказилган эди. Ўрталарида ҳал этилмаган ўткир муаммолар сақланиб қолаётган минтақа мамлакатлари ўшандан буён бир қанча соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришда муайян ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Бу 1988 йилда Исломободда бўлиб ўтган аввалги анжуманда «Саарк-2000: ривожланиш истиқболлари» қўшма дастури қабул қилинишида ўз ифодасини топди. Мазкур дастур озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш, маориф, аҳоли ўсишини режалаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларни қамраб олган.

Ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари бу галги учрашувда ҳам энг муҳим масалалардан бири бўлади.

ДАККА. Бангладеш пойтахтида оппозиция тарафдорлари билан полиция ҳамда ҳукуматга тарафдор гуруҳлар аъзолари ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувлар натижасида юздан зиёд одам жароҳатланди. Маҳаллий матбуотда хабар қилинишича, тартибсизликлар сешанба куни, мамлакатнинг оппозициядаги партиялари ташкил этган 24 соатлик умуммиллий иш ташлаш чоғида бошланган. Улар Президент Х. М. Эршоднинг истеъфога чиқишини, парламент тарқатиб юборилишини ҳамда демократик ялпи сайлов ўтказилишини талаб қилишмоқда.

(ТАСС).



ШВЕЙЦАРИЯ. Бу ердаги ҳордиқ шаҳри Монтреда анъанавий жаз фестивали бўлиб ўтди. Унда Ер юзининг барча мамлакатларидан ижрочилар қатнашди.

СУРАТДА: таниқли жаз ижрочиси Диззи Джилеспи Монтре саҳнасида.

КЕЙСТОН—ТАСС сурати.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЗЎЛДИРЛАР КОЛЛЕКЦИЯСИ

● БУНДАН 43 йил муқаддам АҚШнинг Арканзас штатида яшовчи Альберт Сандерсга ота-онаси туғилган куни муносабати билан 22 дона шишадан ишланган турли рангдаги зўлдир совға қилишди. Шундан бери Альберт зўлдир йиғишга берилиб кетди. Унинг таниш-билишлари турли мамлакатлардан суякдан, ёғочдан, пластмассадан ишланган зўлдирларни келтириб бера бошладилар. Шуниси қизиқки, Сандерс коллекциясида бирорта биллиард зўлдири йўқ. Бугунги кунга келиб, Сандерснинг уйида олти ярим мингдан ортиқ зўлдир бор.

ҚОҒОЗДАН — ЖИНСИ

● ПЕРУ дўконларида бир марта кийиладиган жинси шим савдога чиқди. У юпқа бўлишига қарамай, ўта чидамли қоғоздан тайёрланган бўлиб, етти хил рангда ишлаб чиқарилмоқда. Нархи оддий жинсиларга нисбатан, бирмунча арзон бўлиб, камбағал оилалар учун жуда қулайдир.

ОШХОНА УЧУН КОМПЬЮТЕР

● ГЕРМАНИЯЛИК мутахассислар турли ишларни ҳисоб-китоб қилиш учун ошхона компьютерини ихтиро этишди. Дюссельдорф шаҳрилик бир уй бекаси шу компьютер ёрдамида бир йилда ошхонада қилган юмушларини ҳисоблаб чиқди. Уй бекаси шу даврда 12 мингта тарелка, 8 мингта қошиқ ва вилка ювган экан. Аёлнинг бир йилда у ердан бу ерга ташиган идиш-товоқлари беш тоннани ташкил этибди.

КИМ ТЕЗ МУЗҚАЙМОҚ ЕЙДИ!

● ИСРОИЛДА музқаймоқни тез тамадди қилиш бўйича антиқа беллашув ўтказилди. Ярон Элон исмли киши 90 секундда 1,5 килограмм музқаймоқни «тинчитиб» биринчи ўринни эгаллади.

ТЕМУР ИБРАТИ

Инсоният ўз тараққиёти давомида ҳамиша улуғ зотларнинг илмий-тафаккури, ақл-заковатидан баҳраманд бўлиб келган, улар кўрсатган йўлдан борган, уларнинг қилган ишларидан, қолдирган буюк меросларидан ифтихор қилган.

Ўзбек халқининг ҳам шундай ифтихорга лойиқ улуғ зотлари бўлган. Мана, кейинги пайтларда жумҳуриятимиз рўзномалари ва ойномаларида ўтмишда яшаб ўтган шундай улуғ алломалар, саркардалар ва уларнинг тарихимизда тутган ўрни таърифида сонма-сон босилаётган ёдномалар бизни қувонтирмоқда.

Мовароуннаҳрдан босқинчи мўғулларни қувиб чиқариб, тарқоқ феодал ҳокимликларини ягона бир давлатга бирлаштирган буюк саркарда Амир Темур ҳақида берилаётган қатор мақолалар, хусусан, ССЖИ халқ депутати Аҳмаджон Мухторовнинг «Ёш ленинчи» рўзномасида баён этилган қимматли фикрлари ҳаммани қизиқтирмоқда. Ана шу ёдномалар ва фикрлардан дадилланиб, мен ҳам қўлимга қалам олишга жазм этдим.

«Гулистон» ойномаси қайта чиқа бошлаган кезларда мен ҳам ходим эдим. Ойноманинг 1967 йил июнини сонидан бошлаб «Темур тузуклари»ни чоп этишда қатнашган эдим.

Амир Темур ўз фарзандларига давлатни бошқаришда қўлланма бўлсин деб ёзган бу асарида наинки подшоҳзодалар учун, ҳар қандай инсофли, диёнатли инсон учун ибрат бўладиган қимматли фикрлар баён қилинган. Уни ўқиганингизда буюк саркарданинг ақли-заковатига қойил қоласиз. Ваҳоланки, узоқ йиллар давомида Амир Темурни «жаллод», «ваҳший», «золим» деб миямизга қуйиб келдилар. Мана энди бу гаплар ҳақиқатдан нечоғлик йироқ эканнинг шоҳиди бўлиб турибмиз.

Амир Темур араб мамлакатларига юриш қилиб бораётганда ўз замонасининг машҳур тарихчиси Аҳмад ибн Арабшоҳ подшога рўпара келади ва ундан тап тортмасдан Темурнинг золимликларини юзига солади. Шунда Амир Темур Арабшоҳга: «Сени менга худо етказди. Менга сендай тўғри сўз тарихчи етишмас эди. Саройимдаги тарихчиларим мени кўкларга кўтариб, озимни ошириб, айбимни яшириб таърифлайди. Энди менинг тарихимни рўй-рост сен ёзасан» дейди.

Ўз виждон амри билан яшаб, Темур тарихини ёзган Аҳмад ибн Арабшоҳ Темур шахсига шундай таъриф беради:

«Темур қадди-қомати келишган киши эди. Унинг бўйи новча, пешонаси кенг, калласи катта, овози гулдирак эди. Зўр жисмоний кучи қадар ботирлиги ҳам бор эди. Янoқларидаги қирмизи ранг унинг оқ-сариқ чеҳрасига хушрўйлик бағишлаб турарди. Унинг бoқишлари анчагина мулойим эди. У ўлимни писанд айламасди... Ёлғонни жинидан ёмон кўрар, ундан жирканарди. Ҳазил-мутойиба билан унинг кўнглини овлаб бўлмасди. У ўз ҳузурида қароқчилик, қотиллик ва зино ҳақида сўйлатмасди. У тўғри сўзнинг гадоси эди, нечоғлиқ аччиқ ва аламли бўлмасин, бор ҳақиқатни тинглашдан бўйин товламасди».

Улуғ тарихчининг бу фикрларини тасдиқлайдиган бир талай мисоллар келтириш мумкин. Масалан, нима учун шундай жаҳонгир подшо умр бўйи амирлик унвонида қолди? Бу саволга «Темур тузуклари»дан жавоб топамиз.

«Туғлуқ Темирхон ички ишларидан тинчиб олгач, етти юз олтмиш иккинчи ҳижрияда Турон мамлакатларини олиш учун яна қўшин тортиб, Мовароуннаҳрга келди. Менга берган бўлжарини бузиб, ҳукуматни мендан олиб, ўғли Илёсхўжага топширди. Мени унга вазир, ҳам бош қўмондон [яъни амир] қилиб белгилади. Бу ишдан мени торикқанимни кўргач, менинг бобом Қочувли Баҳодир билан унинг бобоси Қубулхон ўрталарида тузилган аҳдномани кўрсатди. Бу тўхтамнома «хонлик Қубул авлодида, қўмондонлик Қочувли болаларида бўлсин» деб пўлат тахта устида ёзилмиш эди. Буни ўқиб кўрганимдан сўнг улуғлар тўхтами бузилмасин, деб, қўмондонликни қабул қилдим».

Қаранг, шунинг ўзи — ибрат эмасми? Ахир, оталар аҳди бузилмасин, бу аҳдни бузсам, абадул-абад юзим қаро бўлмасин, деб гарчи кейинчалик уламою фузало хон, подшо деб неча бор фатво берсалар ҳам амирлик ҳаддидан ўтмади, Амир Темурлигича қолди. Бизнинг замонамизда эса қанча-қанча мансабдорлар ўзларини ўзлари унвон, мукофотлар билан сийладилар.

Амир Темур 27 мамлакат пойтахтини эгаллаб, уларни бир буюк давлатга бирлаштирганида ҳам «қачонки бу улуғ салтанат либосини кийдим эрса тинчлигим ўзимдан кетди, роҳат тўшагида бир дам ётиб кўз юммадим» деб ҳасрат чекди.

«Роҳат тўшагида бир дам ётиб кўз юммаган» Амир Темур, шубҳасиз, мамлакат тақдирини, унда яшаб турган халқ осойишталигини ўйлаган. Ўша «Темур тузуклари»да бу ҳақда шундай сўзлар битилган: «инсоф-адолат йўлини тутиб, халқни ўзимдан рози қилдим... Ҳар кимни ўз гуноҳи учун тутдим, биров учун бировни жавобга тортмадим. Ҳар сўзда ва ҳар ишда чинлиқ, жиддиятлиқ йўлини тутдим...»

Амир Темурнинг бу хил ибратомуз ишларининг саноғи кўпдир. Агар биз унинг ҳаётини, тарихини чуқурроқ билолганимизда эди, олам-жаҳон руҳий, маънавий озиқ олган бўлардик.

Амир Темурнинг «Темур тузуклари»дан бошқа яна ўз қўли билан ёзган китоби бизга маълум. Уни рус тилида 1932 йилда Москвада «Автобиография Темура» номи билан нашр қилишган. Турк ва салжуқ тилидан таржима қилинган бу китобда Темур ўз ҳаётининг дастлабки қирқ йили давомида ҳар ёшида бошидан кечирган энг ёрқин воқеа ё ҳодисани ибрат тариқасида баён қилган. Масалан, эс таний бошлаган ёшлик йилларидан бирига шу ҳикояни киритган. (Кечирарсизлар, мен уни эркин таржимада такрорлайман).

— Мен дарё бўйида ўйнаб юрардим, — дейди Темур. — Бир маҳал бир аёл киши кўза кўтариб дарёга сувга келди. Шу орада давангир бир одам қўлида чилвир арқон билан пайдо бўлди. Хотинга яқинлашиб, алланималар деди-ю унга осилди. Аёл дод солди. Наридан жуссаси кичикроқ киши югуриб келди. Афтидан, хотиннинг эри эди. Хотинни айириб олмоқчи эди, давангир киши қўлидаги чилвир билан эркакни боғлаб қўйиб, эри олдида хотинини зино қилди.

Мен ўшанда унинг баҳодирлигига қойил қолгандим. Бироқ улғайиб, ақлимни таниганимда бу воқеани идрок қилиб, давангирнинг қилиғи разиллик эканини англадим ва қасамёд қилдимки, ҳеч қачон бу хил разилликка жазм қилмасман...

Бу ҳикоя яна ўша Аҳмад ибн Арабшоҳнинг «Темур ўз ҳузурида зино ҳақида сўйлатмасди» деган фикрини тасдиқлайди.

Шу ўринда жумҳуриятимиз ойномаларида Темурнинг бу «Автобиография» китобини ҳам чоп этилса кўп яхши иш бўлар эди, деб истак билдирамиз. Бу китобни фақат катта кутубхоналардан топиш мумкин.

Яна бир ривоятни «Правда» рўзномасида ўқиб, уни сақлаб қўйган эдим. «Ўн бешинчи аср бошларида, — деб ёзган эди «Правда» рўзномаси, — Анқара қалъаси деворлари ёнида Темур қўшини турк султони Боязит Йилдирим қўшинини тор-мор келтиради. Ривоят қилишларича, Боязитни асир олиб, Темур ҳузурига келтирганларида султонни кўриб, Амир Темур кулиб юборади. Боязит Йилдирим ғазабга келиб ,«мени ўлдир, аммо менинг ҳолимга кулма» дейди. Сендан кулаётганим йўқ, — дейди Амир Темур.

— Буни қараки, бу дунё қанчалик кенг, жозибали. Шундай ажойиб дунёни тасарруф қилиш келиб-келиб мендек чўлоққаю, сендек кўрга қолса-я».


Султон Боязитнинг бир кўзи кўр эди. Бундай дея олиш учун фақат Амир Темур бўлиш керак! Яна ривоят қиладиларки, Амир Темур асир Султонни подшоҳларга хос изат билан олтин қафасли аравада ўз салтанатига қарашли мамлакатларни «томоша» қилдирган. Султон Боязитни салтанат бўйлаб айлантиргани тўғри-нотўғрилигидан қатъий назар, уни олтин қафасда сақлаганини тасдиқловчи яна бир далилни келтирмоқчиман.

Улуғ Ватан уруши ғалаба билан тугаганда бизнинг армиямиз Берлинда бир неча вақт турган. Ўша кезларда атоқли ёзувчимиз Мирзакалон Исмоилий ҳам офицер-журналист сифатида оила аъзолари билан Берлинда яшаган. Кунларнинг бирида унга бир немис хонадонида Амир Темурнинг султон Боязит билан учрашган пайти тасвирланган катта, рангли санъат асарини кўрганини айтишади. Мирзакалон Исмоилий бориб кўрса ажойиб сурат: ўртада тахтда Амир Темур, атрофида арқони давлат, давра марказида олтин қафасда султон Боязит тасвирланган.

Кўнглида уни Ўзбекистонга элтиш фикри туғилади. Бироқ у пайтларда бундай қимматбаҳо ноёб асарни зиён-заҳмат етказмай Тошкентга етказиш амри маҳол эканини ҳис этиб, афсус-надоматлар чеккан. Кейинча ҳам Мирзакалон ака ўша суратни ҳар гал ачиниш билан эслаб гапирарди.

Мана, яқинда Италия — Совет Иттифоқи киночилари улуғ жаҳонгир ҳақида фильм яратишга киришганлари хабарини эшитдик. Биз ўша фильмда Амир Темурнинг улкан ақл-заковат эгаси, раҳмдил, келажакни кўра биладиган мураккаб шахс сифатида кўришга умидвормиз.

Рустам РАҲМОНОВ.






Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи давлат музейида Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари маданий марказларида турли асрларда чоп этилган китоблар ва қўлёзмалар кўргазмаси очилди. У «Шарқ қўлёзма мероси» деб аталади. Томошабинлар эътиборига бу ерда илк бор дин, табиат, фалсафа, жуғрофия, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, қонуншунослик ҳақидаги турли ноёб қўлёзмалар ҳавола этилган.

СУРАТЛАРДА: кўргазмага қўйилган мўъжаз ва кабир қуръон китоблари.

Р. ҒОФУРОВ суратга олган.
(ЎзТАГ сурат-лавҳалари).

Дўстларимиз ижодидан





Диёримизга Хитой халқ жумҳурияти Шинжонг-Уйғур мухтор ноҳияси халқ ҳукуматининг раиси Темур Давомат расмий ташриф буюрди. Таҳририятимиз Хитой Коммунистик фирқаси Марказий Қўмитаси аъзоси, Умумхитой мажлиси доимий қўмитасининг аъзоси бўлмиш муҳтарам Темур Давоматнинг нафақат давлат арбоби, балким дилбар шоир эканликларидан хабар топди, уйғуршунос Муҳаммад Зоидий ул зотнинг китобларини лутфан тақдим этдилар. Уйғур классик адабиётининг жонкуяр тарғиботчиси, Уйғуристондаги «Қутадғу билик» илмий жамиятининг раиси Темур Давоматнинг 1987 йилда Қашқарда чоп этилган «Ватанга муҳаббат» китобидан қуйидаги шеърни танлаб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этдик. Шоирнинг севимли мавзулари — Ватан, Халқ, Она замин тақдиридир.

Темур ДАВОМАТ

ҚАШҚАР

Ассалом, бахти ёр, эй гўзал Қашқар,
Ассалом, навбаҳор фаслидай манзар.
Ҳар қадам остонангдан кирганимда,
Қадрдон деҳқонингни кўрганимда,
Сўнгсиз хаёлларга чўмарман ширин,
Дилни умидларга кўмарман ширин...
Шу ишчан, оқ кўнгил халқ кулса дерман,
Фароғат дамларда айш сурса дерман.
О, кеча бало-қазо йилларда
Истаклар сомондай тўзиб кетгандир.
Қалдирғоч минг хилда уя солганда
Шамоллар инини бузиб кетгандир...
Азиз остонангдан кирдиму бугун
Бир олам шодмонлик босди ўйимни.
Эҳтиром, туйғулардан тошди дарё,
Тўлқини ювиб ўтсин гул бўйингни,
Халқингнинг лабларида кулгу кўрсам,
Туманда тўлқинланиб кулгу оқар.
Гул рангидай ҳаёт ранги тансиқ бўлса,
Боғларинг жамолида чақнаса нур.
Ҳаяжон хаёл билан сирлашди,
Хаёллар асрлардан суҳбат очди.
Асрлар бирин-кетин тушди гапга,
Тиллодай тарихингдан кўз қамашди.
Илму фан бобида сен Чўлпон эдинг,
Беҳисоб юлдуз сенга тикилмоқда.
Форобий, Маҳмуд чақнаб осмонингдан,
Сирларинг даштига нур тўкилмоқда.
Ҳожиб, Машраб, Нисорий ўсган сенда,
Фаросат ғазнасига ганжлар тўккан.
Асрлар гултожига ёқут безак
Ато қилиб, тарихингни зарда битган.
Нозугим ўйнаб ўсган Туман бийи,
Ҳали ҳам ёд этдингми шу қизингни?
Икки юз ёшга кирган кекса макон,
Кўргинг келмоқдами Нозугимингни?
Ўн икки мақом сенда таралганди,
Қаддингки осмон қилган Омониссо.
Қаршимда олтин тори жаранглайди,
Созингдан мақомларни пайдо қилса.
Одобли, диёнатли халқинг шундоқ,
Қошида ҳуру ғилмон уюладир.
Меҳмондўст, дилкаш инсон, латофатинг —
Қалбимга кавсар бўлиб қуюладир.
Хуш ҳунар, санъат билан танилгансан,
Мен эмас, олам сенга қойил эрур.
Таомлар, меваларинг шунча ширин,
Жаннатнинг неъматидек туюладир.
Ғururим, шавкатимнинг тожи сен,
Дайдимасмиз, бирлигимиз боши сен.
Кул, Қашқар, замон берсин фароғатдан,
Бу кулгунг то абад, ҳеч узилмасин.
Тожингда ёқут жомдай зийнатларинг
Сақлансин, то абад ҳеч бузилмасин.
Халқларинг ўсгин, дейди сени Қашқар,
Қанотдан, учгин кўкка қани, Қашқар.

Карим БАҲРИЕВ таржимаси.

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

МИШ-МИШ ВА ҲАҚИҚАТ

Вячеслав Фетисов, таниқли совет хоккейчиси. Ҳозирги пайтда МХЛ (миллий хоккей лигаси)нинг «Нью жерси Дэвилс» клубида ўйнаётган Фетисовдан гўё рэкетчилар 50 минг доллар пул талаб қилишган, эмиш. Акс ҳолда Москвадаги уйининг ёқиб юборилиши ҳақида пўписа ҳам қилинганлиги айтилган.

«Комсомольская правда» рўзномасининг 15 ноябрь сонида бу ҳақда хабар қилинган. Аммо хоккейчимизнинг айтишича, бу миш-мишлар сира ҳақиқатга тўғри келмайди. Унинг шахсан ўзига ва оила-аъзоларига ҳеч ким пул талаб қилиб мурожаат этмаган.

Фетисов афсуски, энди хавотирлана бошлаётганини айтган. Чунки Москвада унинг ота-оналари яшашяпти. Бунинг устига бундай ёлғон хабар ҳақида шов-шувлар тарқатилганлиги товламачилар учун баҳона ҳам бўлиши мумкин. Шу боис, у оила-аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаш учун уларни Америкага олиб кетиш ниятида эканлигини айтган.

Фетисовга ҳақиқатан ҳам тазйиқ бўлган. Аммо бу воқеа у океан ортига жўнаб кетгунича содир этилган. Буни хоккейчимиз ўз кучи билан ҳал қилиб, воқеанинг ота-онасига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган.


Вячеслав Фетисов «Комсомолька»да босилган бу нотўғри хабар менинг фаолиятимга ҳам жиддий таъсир қилди» деб ҳисоблайди. «Агар Америка матбуотида шундай ёлғон хабар берилганда борми, мен шу матбуот нашрини судга берган бўлардим», — деди-ю.

[«Рабочая трибуна», 22 ноябрь, 1990 йил].

КРОССЧАЙНВОРД

ЙИЛАР БЎЙИЧА: ЎНГГА: 1. Миллий каштачиликда гул тикиш усули. 3. Ижодкор, адиб. 4. Кийиш, устбош. 6. Оммавий ўзбек халқ қўшиғи. 7. Итальян бастакори, «Аида» операси муаллифи. 9. Ёпиқ ясси эгри чизиқ. 10. Безак учун ишлатиладиган энсиз узун газмол. 12. Ўзбек классик шоири, «Юсуф ва Зулайҳо» достони муаллифи. 13. Байрам олди. 15. Улуғ рус масалчи адиби. 16. Ўзбек урма мусиқа асбоби. 18. Қамишдан тўқилган дағал тўшама.

ЙИЛАР БЎЙИЧА ЧАПГА: 1. Мақсадни амалга ошириш учун кишида бўладиган қатъият. 2. Грузин мусаввири, ССЖИ халқ рассоми, Улуғ Ватан урушида машҳур бўлган «Она Ватан чорлайди!» сурати муаллифи. 4. Хоразмча рақс. 5. Арман маърифатпарвар ёзувчиси. 7. Оммавий рақслардан бири. 8. Кундалик марказий вақтли нашр. 10. «Ҳамса» достонларидан бири асосида саҳналаштирилган мусиқали асар қаҳрамони. 11. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган урф-одат, ахлоқ қоидалари. 13. Хонанда ижросидаги мусиқа асари. 14. Таниқли қозоқ халқ шоири ва оқини, ССЖИ Давлат мукофоти лауреати. 16. Кема бошқарувчи, умуман ҳар ишда илғор йўлбошчи, раҳбар. 17. Ўзбек совет шоири ва таржимони, Навоий достонларининг насрий баёни муаллифи.



Ф. ОРИПОВ тузган.

ТВ

25 НОЯБРЬ — ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтанома» (такрор.).

* * *

9.00 «Даврага кел, дугонажон». 10.50 «Травканинг саргузаштлари» Бадиий фильм («Мосфильм»). 11.55 «Қувноқ стартлар». Ўзбекистон ва Белоруссия мактаб ўқувчиларининг учрашуви. 12.45 Мақсуд Шайхзода. «Жалолиддин Мангуберди». Телеспектакль. 2-қисм. 13.45 «Алифбо сабоқлари...» (такрор.). 14.20 «Саҳна табассуми».

● ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Алдаркўса». Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Кичкинтой» программаси. 18.50 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп кўрсатув. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Санъат усталари». Ботир Зокиров хотирасига. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Тушимда кўрсам эди...». Нодира ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.00 «Севги афсонаси». Бадиий фильм. 2-серия. 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

8.35 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото» тиражи. 9.30 «Эрта саҳарлаб». 10.30 «Ватан хизматида». 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 «Дунё бўйлаб». Альманах. 13.00 «Здоровье». 13.45 «XX аср. Ташвишли давр хроникаси». Кинопрограмма. «Қўй юриши». (Махфий протоколлар масаласига доир). Бадиий-публицистик фильм премьераси (М. Горький номли киностудия). 15.15 Эстрада концерти. 15.50 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама. 17.05 «Янгра, гармонь». Находка шаҳрида байрам. 17.20 «Педагогика ҳамма учун». 19.20 «Кўк турна». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Иркутск).

Якшанба кинозали

19.30 «Қулупнай ёмғир». Мультфильм. 19.55 «Мусофир». Бадиий фильм (АҚШ.) 21.30 «Вақт». 22.00 «Оддий ва мангулик ҳақида». 22.15 П. И. Чайковский. «Юзта» романс. 22.35 «Маппет-шоу». Кўп серияли қўғирчоқ фильм-концерт премьераси. 15 ва 16-сериялар. 23.25 Владимир Пресняков томошалари.

ЎҚУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИНИНГ МАТЕМАТИКА, АМАЛИЙ МАТЕМАТИКА ВА МЕХАНИКА КУЛЛИЁТЛАРИ ҚОШИДА

9—11 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ЯКШАНБАЛИК МАТЕМАТИКА ТЎГАРАГИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ.

Машғулотлар якшанба кунлари соат 10.00 дан бошлаб дорилфунунининг математика куллиётида олиб борилади.

Биринчи машғулот 25 ноябрда Г—303 аудиторияда ўтказилади.

ТЎГАРАККА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 28621.